Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 15 ноябрь, сешанба | №169 (21.743) | Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон — Украина:

ЯНГИЧА ИШ БИРЛИГИ ЙЎЛИДА



Бугунги кунда собиқ Иттифоқ ўрнида вужудга келган мустақил давлатлар ўртасида қарор топаётган муносабатлар мутлақо янгича мазмун касб этмоқда. Янги мустақил давлатлар ўртасидаги икки ёки кўп томонлама алоқалар ўзаро манфаатдорлик ва тенг ҳуқуқлилик асосига қурилаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Сир эмаски, Ҳамдўстлик доирасидаги кўптомонлама ҳамкорлик Иттифоқ парчаланиб кетгандан сўнгги иқтисодий инқироздан чиқиш йўлида кутилган натижаларни бермаётир. Имзоланган ҳужжатларнинг аксарияти қоғозда қолиб кетаётгани Ҳамдўстликка аъзо давлатлар ўртасида кўп томонлама алоқалар билан биргаликда икки томонлама алоқаларни ҳам кенгайтиришни тақозо этмоқда. Энди мустақил давлатларга собиқ марказ манфаатларинигина кўзлаган ғайриихтиёрий ҳамкорлик эмас, аксинча, ҳар бир халқ ва мамлакат манфаатларига мос келадиган, фаровонлигига хизмат қиладиган иқтисодий интеграция зарур. Бундай интеграция Ҳамдўстликка аъзо давлатлар ўртасидаги икки томонлама алоқаларни кенгайтиришни ҳам назарда тутади.

Ислом Каримовнинг Украинага расмий сафаридан кўзланган мақсад ҳам аслида шу эди. Бунга сафар давомида имзоланган бир қанча ҳужжатларни ёки Президентнинг Украина раҳбарияти билан қилган музокаралари, Украина Миллий Фанлар академиясининг материалшунослик муаммолари институти ёки О. Антонов номли авиация илмий-техник комплексига ташрифи чоғида ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан билдирган амалий таклифларини мисол қилиб келтириш мумкин. Чунончи, икки мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, даромад ва мулкка икки томонлама солиқ солмаслик, маданият, иқтисодий ва савдо-сотиқ соҳасида, ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик дастури тўғрисида имзоланган ҳужжатлар икки томонлама муносабатларни кенгайтиришга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Ҳамкорлик миқёси тўғрисида гап кетганда, ҳар икки мамлакатнинг иқтисодий имкониятлари ниҳоятда кенг эканини айтиб ўтмасдан бўлмайди. У қўшма корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари тузиш, биргаликда илмталаб технологияларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, тоғ-кончилик, машинасозлик, самолётсозлик, енгил саноат, газ ва нефть конларини қидириб топиш ҳамда ишга тушириш каби ўнлаб истиқболли соҳаларни қамраб олади.

Маълумки, собиқ Иттифоқ даврида илмий-текшириш институтларида кўплаб ишланмалар ва кашфиётлар яратилган, лекин уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш масаласида бюрократик тўсиқларни енгиб ўтиш осон бўлмаган. Бу эса дуне бозоридаги аёвсиз рақобатга бардош бера оладиган товарларни ўз вақтида ишлаб чиқаришга имкон бермас эди. Сабаби оддий: маълум бир ишланма ёки технология, масалан, Украинада яратилар, у ишлаб чиқаришга бошқа бир жойда жорий этилар, унинг ҳузурини эса собиқ марказ кўрар эди, на "нау хау" муаллифи ва на ишлаб чиқарувчи ундан манфаатдор бўлмас эди. Ислом Каримов иқтисодчи ва вазиятни тўғри баҳолайдиган сиёсатчи сифатида таклиф этаётган йўл эса бунинг бутунлай тескариси: ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва вазиятни ўнглаш йўлида ҳар бир давлат ўз ҳолича иш тутганидан кўра, кучларни бирлаштириш, трансмиллий компаниялар ва корпорациялар ташкил этиш зарурлиги. Оддийгина бир мисол. Машҳур конструктор О. Антонов номидаги Украина авиация илмий-техник комплекси мутахассислари ўзбекистонлик ва россиялик ҳамкасблари билан биргаликда яратган АН – 70Т самолёти ўзининг техник кўрсаткичлари бўйича дунедаги бундай ўртача катталикдаги юк ташиш самолётларидан анча устун туради. 30 тонна юкни 5 минг километрга элтиб бера оладиган бу самолётга жаҳон бозорида талаб катта. Уни тез орада ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаса, уни яратган мутахассислар ҳам, ишлаб чиқарувчилар ҳам ғафлатда қолиши мумкин. Сабаби, эртага бошқа мамлакат ёки консорциум унга ўхшаш самолётни бизнинг олдимизда бозорга чиқариши мумкин. Техник тараққиёт бир жойда турмайди. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси "АН" самолётлари ишлаб чиқаришга мослашгани бу муаммони тез орада ечиш ва мазкур юк ташиш самолётини Ўзбекистонда ишлаб чиқаришга имкон беради. Буни комплекс бош конструктори П. Балабуев ҳам тасдиқлади. Илмталаб ва замонавий технологияга асосланган ўзаро ҳамкорликдан Ўзбекистон ҳам, Украина ҳам бирдай манфаатдор. Масалан, Европадаги Франция, Германия, Англия ва Испаниядаги самолётсозлик корхоналари иштирокида тузилган "Эйрбас индастри" консорциуми ишлаб чиқараётган самолётлар техник кўрсаткичлари бўйича АҚШ "Боинг"ларидан қолишмаган ҳолда улардан 35 – 40 фоиз арзон баҳога сотилмоқда ва энг харидоргир ҳисобланади. Бунинг сабаби битта: ўзаро ҳамкорлик туфайли маҳсулот таннархининг кескин камайишига эришилганидир.

Иқтисодий ҳамкорлик кўлами ниҳоятда кенг. Масалан, Украина енгил саноати Ўзбекистон пахта толасига, оғир саноати эса рангли металларига муҳтож. Ўзбекистон эса ўз навбатида Қора денгиз портлари орқали ўз маҳсулотларини Ғарб мамлакатларига экспорт қилиши, шунингдек, янги газ ва нефть конларини ўзлаштиришда Украинада тайёрланаётган ускуналардан фойдаланиши мумкин. Бошқа минтақалардан келтириладиган енилги ҳисобига ишлайдиган Украина корхоналари жиддий қийинчиликларга дуч келаётгани, натижада кейинги икки йилда ялпи миллий маҳсулот ҳажми 15 – 17 фоиз қисқариб кетгани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистоннинг эса бу борада экспорт имкониятлари катта. Украинадаги Суми нефть-газ ускуналари ишлаб чиқариш заводи маҳсулотлари, айниқса, трубалари сифати жиҳатидан дунедаги турдош маҳсулотлардан анча устун туради.

Президент Л. Кучма жаноблари ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнгги брифинг чоғида оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига жавоб бераётиб, Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ҳамкорлик ўз мамлакати учун стратегик аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон бой табиий ресурсларга эга экани тўғрисида кўп гапирилади. Чет эллик сармоядорлар уларни ўзлаштиришда биз билан бажонидил ҳамкорлик қилишга истак билдираётгани ҳам сир эмас. Лекин юртбошимизнинг бу борада юритаётган сиёсати мазмуни уларни хом ашё ҳолида дуне бозорида сотиш эмас, аксинча, замонавий чет эл технологияси ва инвестицияларини жалб этиш билан табиий ресурсларни мамлакатнинг ўзида қайта ишлаш ва бозорга тайёр, рақобатга бардошли маҳсулотлар билан чиқишдан иборатдир. Шунда нафақат иқтисодий, қолаверса, ижтимоий масалаларни ҳам ҳал этиш имкони туғилади, янги иш жойлари яратилади, миллий даромад ўсади, меҳнатчининг косаси оқаради.

Ислом Каримов Украина Миллий Фанлар академиясининг материалшунослик институтида бўлганларида, институт олимлари яратган ишланмалар билан танишар экан, уларнинг кўпчилигини, хусусан, самолётсозлик, маъданлар занглашига қарши кураш, енгил саноат, қурилиш ва электроизоляция каби соҳаларда қимматбаҳо материал бўлмиш базальт толасини Ўзбекистонда ишлаб чиқариш учун қулай шароит ва хом ашё мавжудлиги, ҳукумат инвестиция беришга ҳам тайёр экани тўғрисида сўзлаб берди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Зеро, ҳеч бир янги ишланма ва технология имкон қадар тезроқ ишлаб чиқаришга жорий этилмаса ва бозорга чиқмаса, фойдаси бўлмайди. Уларнинг ишлаб чиқарилиши тезкорлиги, таннархи арзонлиги ва юқори сифатлилигини таъминлаш учун эса, боя таъкидланганидай, ҳамкорлик доирасини кенгайтириш ва бунга барча манфаатдор томонларни тортиш зарур.

Украина аҳолиси дуне аҳолисининг 0,9 фоизини ташкил этган бир пайтда унинг жаҳон маҳсулотидаги улуши 5 фоиздан иборат. Бундан ташқари, республика жўғрофий-сиёсий ўрнига кўра Ўзбекистоннинг Европага чиқиши йўлида кўприк вазифасини ўташи билан мамлакатимиз учун улкан иқтисодий, сиёсий ва савдо-сотиқ соҳасидаги ҳамкор бўлиши шубҳасиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, савдо-сотиқ, илм-фан, маданият каби соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш мавжуд иқтисодий қийинчиликларни ҳал этиш имконини беради. Чунончи, муаммолар ўхшаш бўлганидай уларни ҳал этиш йўллари ҳам бир-бирига уйқаш. Муҳими, нафақат икки томонлама муносабатларда, қолаверса, ҳамдўстлик ва бошқа халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этишда ҳам бамаслаҳат сиёсат юритилса бўлгани ва бу муносабатларимизни стратегик ҳамкорлик даражасига кўтаради. Бамаслаҳат иш юритиш икки ва кўп томонлама муаммоларни ҳал этиш, ҳамдўстлик минтақаларида вужудга келган зиддиятларни тинч йўл билан бартараф қилиш, ҳамкорликни бирор томоннинг зўғумидан холи тенгҳуқуқли интеграцияга айлантириш омили бўлади. Муаммоларни тезроқ ҳал этиш йўли имзоланган ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этишни тезлаштириш ва амалий ишга ўтиш билан боғлиқ. Бунинг учун ҳар икки мамлакатда қулай замин бор ва бу халқларимиз манфаатига тўла мос келади. Мутахассислар иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мавжуд сиёсий муаммоларни тинч йўл билан ҳал этишнинг муҳим гарови, деб ҳисоблайди. Бу тўғри, албатта. Бироқ маданий алоқаларнинг аҳамияти ҳам бундан кам эмас. Айниқса, Ўзбекистонда уч юз мингдан ошиқ украин миллатига мансуб кишилар, Украинада эса қатағон йилларида сургун қилинган ўзбекларнинг авлодлари яшаётгани ҳисобга олинса, халқларимиз ўртасида бир-бирини янада яқинроқ билиб олиш, биродарлик алоқаларини кенгайтириш нечоғли муҳим экани ойдинлашади. Президент Ислом Каримовнинг сафар чоғида Ўзбекистонда украин маданияти кунлари, Украинада эса ўзбек маданияти кунларини ўтказишни таклиф этгани бир жиҳатдан мазкур омил билан ҳам боғлиқ. Қолаверса, собиқ Иттифоқнинг иқтисодиёт қонунлари қолиб, мафқурага бўйсунган халқ хўжалиги, шунга яраша режалаштириши ва марказлаштирилган тақсимоти оқибатларини тугатиш ва иқтисодиётни бозор муносабатлари қонунлари асосида ривожлантириш борасидаги ҳамқорлик, яъни иш бирлиги икки томон учун ҳам кони фойдадир.

Фахриддин НИЗОМ.

СУРАТЛАРДА: 1. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Украина Президенти Леонид Кучманинг Марпин саройидаги суҳбати чоғида.
2. Икки томонлама ҳужжатларни имзолаш пайти.
3. Журналистлар билан мулоқот.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

14 ноябрь куни Ватикан давлатининг Ўзбекистондаги доимий дипломатия вакили этиб тайинланган архиепископ Мариан Олеш Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди. Архиепископ Мариан Олеш Ўзбекистон билан Ватикан ўртасидаги дўстона алоқалар узоқ тарихга бориб тақалишини таъкидлар экан, республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг халқ фаровонлигини оширишга қаратилгани ва бу Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларнинг юксалишида муҳим аҳамият касб этишини айтди.

Ислом Каримов архиепископ Мариан Олешни масъулиятли ва юксак лавозимга тайинлангани билан қутлар экан, Ўзбекистон Ватикан давлатининг дунёда тинчлик ва ўзаро ҳамжиҳатликни эришиш борасидаги интилишларини қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Ишонч ёрлиғини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

ҚЎШМА АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Украина Президенти Леонид Кучма таклифига биноан 1994 йил 10 – 11 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Украинада бўлди.

Иккала дўст давлат Президентлари ўртасида бўлиб ўтган музокаралар пайтида ўзаро ҳамкорлик борасида ҳамда томонлар манфаатдор бўлган халқаро масалалар юзасидан батафсил, амалий фикр алмашинди. Мустақиллик ва эгаменлик тамойилларидан келиб чиққан ҳолда тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали асосда давлатлараро муносабатлар ўрнатишга биргаликдаги интилиш мавжудлиги баён қилинди.

Президентлар олий даражадаги Ўзбекистон – Украина учрашувини юксак баҳолаб, бу мулоқот икки томонлама муносабатларни чуқурлаштиришда, ислоҳотларни ўтказишда, икки халқ турмуш даражасини кўтаришда муҳим қадам бўлди, деб ҳисоблайдилар.

Томонлар икки томонлама муносабатларнинг турли соҳаларида эришилган аҳдномаларни амалга ошириш механизмини мустаҳкамлашга қаратилган самарали ҳаракатлар зарурлигини теран англашларини изҳор этдилар. Кўпгина қўшма лойиҳаларни амалга оширишга тўсиқ бўлаётган ўзаро ҳисоб-китоблар тартибини такомиллаштириш масалалари ҳам муҳокама этилди. Музокаралар иштирокчилари эркин савдо-сотиқ тартибини ўрнатиш юзасидан изчил қадамлар ташлашга келишиб олдилар.

Президентлар икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини кенгайтиришга эътиборни кучайтириш зарур, деб ҳисоблайдилар. Ташриф давомида имзоланган иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ҳақидаги баённома, Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасида маданият соҳасидаги ҳамкорлик ҳақидаги ҳамда даромадлар ва мулкдан икки еқлама солиқ олмаслик тўғрисидаги ва бошқа битимларнинг имзоланиши бунинг исботидир.

Томонлар мамлакатларимиз олдида турган вазифалар умумийлигини, икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш эҳтиёжини, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида ва халқаро ташкилотларда ўзаро биргалашиб ҳаракат қилиш зарурлигини чуқур идрок этиш Ўзбекистон – Украина муносабатларини ишончли ҳамкорларнинг алоҳида муносабатлари даражасига кўтариш имкониятини яратишни қайд этдилар.

Томонлар алоқаларнинг янги шаклларини ривожлантириш, қўшма корхоналар, акционерлик жамиятлари ва хўжалик фаолиятининг бошқа субъектларини барпо қилиш йўли билан ҳамда молиявий воситалар, саноат ва илмий-техник салоҳиятни ишга солиб, савдо-сотиқнинг оддий шаклларини ишлаб чиқариш кооперациясини кенг тараққий эттириш орқали тўлдиришда бир-бирига кўмаклашишга, келишилган ҳолда маҳсулот ва товарларнинг етказиб берилишини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўришга тайёр эканларини баён қилдилар. Ўзбекистон ва Украина кон қазиш соҳасида, илмий изланишлар талаб қилинадиган технологияларни ишлаб чиқишда, машинасозлик, самолётсозлик соҳасида, қишлоқ хўжалиги саноати мажмуида, енгил саноатда, нефть ва газни қидириб топиш, қазиб чиқариш ва сотишда ҳамкорлик қилишга тайёр эканларини ҳам баён этдилар. Иккала томон ҳам замонавий технология асосида ишлаб чиқилган маҳсулот билан жаҳон бозорларига чиқиш учун қўшма тузилмалар барпо қилиш истагида экани зоҳир бўлди. Булардан ташқари, томонлар иккала давлат халқ хўжалиги мажмуининг етакчи соҳалари учун юксак малакали мутахассислар тайёрлашга рози эканини ҳам баён қилдилар.

Ислом Каримов ва Леонид Кучма Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг ҳозирги тараққиёти йўналишларини диққат билан қараб чиқдилар, давлатларнинг ҳамдўстлик фаолиятида турли-туман шаклларда иштирок этишини еқлаб фикр билдирдилар. Улар Тожикистондаги, МДҲ ҳудудидаги бошқа алангали нуқталардаги вазиятни барқарорлаштириш юзасидан фикр алмашдилар, бу жойлардаги муаммоларни фақатгина тинч, сиёсий йўл билан тезда ҳал этиш лозимлигидан манфаатдор эканларини изҳор этдилар.

Ўзбекистон ва Украина Президентлари икки томонни қизиқтирган масалалар юзасидан мунтазам равишда маслаҳатлашиб туришга келишиб олдилар. Улар бундай маслаҳатлар Ўзбекистон – Украина муносабатларининг самарадорлигини оширишга фаол кўмак беради, деб ишонадилар.

Президент Ислом Каримов Украина Президенти Леонид Кучмани Ўзбекистонга расмий ташриф билан келишга таклиф қилди. Ташриф муддати дипломатия йўли билан келишиб олинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ОЛДИДАН

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарорига мувофиқ шу йилнинг 25 декабрида янги парламент — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов белгиланган. Депутатлар сайлови Ўзбекистон тарихида илк бор кўппартиялилик асосида ўтади. Қонунийликка қатъий риоя қилиш замирида ҳамда сиёсий барқарорлик вазиятида ўтаётган бу йилги сайлов кампанияси сайлов тажрибамизни такомиллаштиришдаги муҳим қадам деб билинмоқда.

Сайлов тайинланган, қонунда белгиланган муддатларда сайлов округлари ва участкалари тузилди, округ ва участка сайлов комиссиялари ташкил этилди. Сайлов кампаниясининг масъулиятли тадбирларидан бири — депутатликка номзодларни кўрсатиш ниҳоясига етказилди. Ўз ҳуқуқларини амалга ошириб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашлари Олий Мажлис депутатлигига номзодларни кўрсатдилар. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда, уларнинг рўйхатларини эълон қилишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Сайлов қонунларига мувофиқ тарзда сайловолди тадбирларини ўз вақтида бажарилишини таъминлаш борасида округ сайлов комиссияларига муҳим ўрин ажратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни муваффақиятли ўтказиш кўп жиҳатдан сайлов комиссиялари аъзоларининг тайёргарлик даражасига, сайлов тўғрисидаги қонун талабларини яхши билишларига, улар олдида турган вазифаларни тўғри англашларига боғлиқ бўлади.

Ана шуларга ёндошган ҳолда Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари рансларининг уч кунлик ишчи семинар-кенгашини уюштирди. Семинар-кенгаш 14 ноябрь куни Тошкентда ўз ишини бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг ранси Қ. А. Аҳмедов кириш сўзи билан семинар ишини бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ранси вазифасини бажарувчи Э. Ҳ. Халилов семинар-кенгашда маъруза қилди.

Нотиқ ўз маърузасида мамлакатимизда сайлов тизимини ислоҳ қилишнинг бош йўналишлари тўғрисида, Олий Мажлиснинг ваколатлари ва вазифалари хусусида, янги парламент олдида турган ишлар ҳақида тўхталиб ўтди. Семинар қатнашчиларига сайлов тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида муфассал тушунтиришлар, мустақил Ўзбекистон сайлов тизимининг асосий конституцион принциплари очиб берилди, сайлов тўғрисидаги Қонуннинг янги талаблари ва ундан келиб чиқадиган сайлов комиссияларининг вазифалари ҳақида тўхталиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцион суди ранси вазифасини бажарувчи Ш. З. Ўразаев Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлов ҳуқуқларининг кафолати масалалари тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири А. Мардиев Олий Мажлисга сайловнинг кўппартиялилик асосида ўтказилиши — Ўзбекистон Республикаси парламентини демократияни янада ривожлантириш йўли билан шакллантириш ғаровидир мавзусида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг ранси Қ. А. Аҳмедов сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишлар ҳақида маъруза қилдилар. Сўнгра Россиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Ф. Ф. Сидорский сўзга чиқди. Республика пойтахтининг салов округларида парламент сайловига тайёргарлик қандай бораётганлиги ҳақида Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳ. М. Абдураимов нутқ сўзлади.

Ишчи семинар-кенгашда округ сайлов комиссияларининг ранслари билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг раҳбар ходимлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ўринбосарлари, ҳокимликлар ташкилий-кадрлар ишлари бўлимларининг мудирлари, республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси минтақавий бўлинмаларининг ранслари, манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари таклиф этилган.

Уч кунлик семинар дастурида сиёсий партиялар раҳбарларининг, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги вакили жаноб Холид Малик, республикадаги қатор дипломатик муассасалар раҳбарларининг сўзга чиқишлари кўзда тутилган. Бундан ташқари Тошкент шаҳридаги қатор округ комиссияларига бориб иш тажрибаси алмашиш мўлжалланмоқда.

Семинар-кенгаш ишида АҚШ, Туркия, Япония, Буюк Британия давлатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчилари, Конрад Аденауэр фондининг вакили иштирок этди.

Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т. А. Алимов, Х. Р. Жўраев, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Рансининг ўринбосари Б. И. Бугров, Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. Тўлаганов иштирок этмоқда.

БАҒРИ КЕНГ ОДАМЛАР

Қаҳрамонимиз ҳақида икки оғиз. Турсуной Исоқова. Маълумоти олий. Тошкент халқ хўжалиги олий билимгоҳининг ҳисоб-иқтисод куллиётини имтиёзли тугатган. Бундан олти йил бурун Москва шаҳрида Олий фирқа мактабини, шунингдек, меҳнат резервларини ўрганиш соҳасида иш олиб борган илмий-тадқиқот институти аспирантурасини битирган. Иқтисод фанлари номзоди. Шаҳрихон туманидаги "Бўстон" жамоа хўжалигида иқтисодчи, халқ таълими бўлимида мактабгача тарбия муассасалари бўйича назоратчи, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, туман фирқа қўмитасининг мафкура ишлари бўйича котиби вазифаларида ишлаган. 1991 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб, Ўзбекистон ХДП Бўз туман кенгашининг биринчи котиби. Оилали. Тўрт қиз, икки ўғилнинг онаси.

Опанинг феъли оддий. Юз-кўзлари, ҳаракатларидан самимий, дилкаш инсон эканлиги билиниб туради. Иш юзасидан бўлган баҳс, тортишувларда ўзини тута олади. Ҳар қандай шароитда юз берган воқеа-ҳодисанинг илдизига назар солиб, ўша масаланинг моҳиятини тушунган ҳолда, муаммони адолатли ҳал қилишга уринади.

Беш қўл баробар эмас... Баъзи ҳолларда, тепа сочи тикка бўлган суҳбатдошининг "дард"ларини охиригача тинглашга ҳам ўзида сабр-бардош топадию, аммо фарзанд тарбиясига бефарқ қараганларга шафқат қилиб ўтирмайди.

Хўжалик ва ташкилотлардаги партком котиблари орасида шундай ғоя юради: "Опа ниҳоятда қаттиққўл раҳбар, унинг ўнг қўлида меҳр, чап қўлида эса қаҳр туради".

— Турсуной опа, тўғунлик йилларида юқори меҳнат унумдорлигига эришиш ҳақида сўзлайвериб, ёзавериб одамларнинг анча меъдасига тегдик... Шунинг учун ҳам мулоқотни лирик чекинишдан бошласак, дегандим.

— Мен рози.

— Жумҳурият ойнаи жаҳони кўрсатувлари савияси сизни қониқтирадими?

— Ойнаи жаҳондаги барча кўрсатувларни мунтазам кўраолмайман. Лекин яқинда таниқли тележурналист Муҳаммаджон Обидовнинг ҳаж сафарига борган фарғоналиклар ҳақида тайёрлаган ҳужжатли кўрсатувига кўзим тушиб қолди. Барча ишни йиғиштириб, кўрсатувни охиригача, қаяжон билан кузатдим. Гўёки, ўзим ҳам ҳамюртларим қатори Арабистонни зиёрат этгандай бўлдим. Шунақа кўрсатувлар ойнаи жаҳон орқали кўпроқ берилса, телевидение айрим зерикарли, бир қолипдаги кўрсатувлардан тезроқ халос бўлса, кўнгилдагидек бўларди.

— Бўш вақтингиз борми? Бўлса, ўша дамларда ижодкорлардан кимларнинг асарларини мутолаа қиласиз?

— Вақт топилади. Асосан, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг фалсафий руҳ билан йўғрилган шеърларини ўқиб, улардан бир олам маънавий завқ оламан. Шунингдек, бўзлик таниқли шоир, Сурхон мукофоти соҳиби Тўлан Низом шеърлари билан айтиладиган қўшиқларни берилиб тинглайман. Айниқса, менда ҳамюртимизнинг мамлакатимиз мустақиллигининг уч йиллигига бағишлаб ёзган "Хумо" достони оддий китобхон сифатида ёрқин таассурот қолдирди.

— Кўпга келган тўй, деганларидек, ҳозир рўзғор ташвишлари олдинги ўринга чиқиб қолди. Шундай шароитда оила бошлиғининг жамиятдаги ўрни қандай бўлиши керак, деб ўйлайсиз?

— Ватан ҳар бир оила, хонадон остонасидан бошланади. Шундай экан, ҳар бир оила бошлиғи ўз уйида оила аъзолари ўртасида тартиб ва меҳр-оқибатнинг йўқолмаслиги, фарзандлар онгига каттанинг ҳурматини жойига қўйиш одобини сингдириш тўғрисида мунтазам қайғуриши лозим. Зеро, 1994 йил ЮНЕСКО қарори билан Оила йили, деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас, албатта. Қайси юртда оила мўрт бўлар экан, ўша юртнинг бири икки бўлмайди, деб таъкидланади ҳадисларда.

Биз туман хотин-қизлар қўмитаси билан бамаслаҳат ўтказиладиган кўпгина тадбир, маросимларда оилани мустаҳкамлашнинг муҳим омиллари тўғрисида аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боряпмиз.

— Мана, ўзингиз иш ҳақида гапириб қолдингиз? Мафкура ишларининг моҳияти, асосий мазмуни нимада?

— Мафкура, менимча, ҳар бир жамият, даврнинг ғояси. Ғоя эса миллий, тарихий, келажак мақсадларни амалга оширишга йўналтирилган бўлади. Бу соҳада шу кунги энг муҳим вазифамиз партиямизнинг Миллий истиқлол мафкурасига мувофиқ, аввало ишлар онгига ватанпарварлик, мустақилликни мустаҳкамлаш ҳис-туйғуларини сингдириш, ҳар бир фуқарода миллий ғурурни шакллантириш, аҳолининг барча қатламларини миллий қадриятларимизни тиклаш, ривожлантириш ва эъзозлашга даъват этишдан иборат, деб биламан.

— Турсуной опа, мана Сиз, аксарият ҳолларда вақт билан ҳисоблашмай ишлайсиз. Ҳоҳ лицей талабалари, ҳоҳ шаҳарлик ҳашарчилар, ҳоҳо маҳаллий саноат корхонаси ишчилари, ҳоҳ пиллакорлар ҳузурига шошасиз. Айрим кунлари туман ҳудудини уч-тўрт марта айланиб чиқасиз. Ўз фаолиятингиздан доимо қониқасизми?

— Баъзида имкониятларимни тўлароқ ишга сололмаганимдан, мўлжалдаги ишларнинг барчасига улгуриб бўлмаслигидан диққатим ошади.

— Ўзимиз гувоҳ бўлганмиз. Шўролар даврида колхоз парткоми комиссия келиб қолса, раисга чой ташиш билан банд бўларди. Тўғри, ундан буён анча сувлар оқиб ўтди. Ҳозирда ХДП бошланғич ташкилоти котибининг бажарадиган ишлари нималардан иборат? Уларнинг ортидан одамлар эргашяптими?

— Сал ошириб юбордингиз. Менимча, уларнинг ҳаммаси ҳам чой ташиб юришмаганди. Ўшанда ҳам кўпчиликни ўз орқасидан эргаштира оладиган котиблар бор эди. Қолаверса, котибнинг эл ўртасидаги обрў-эътибори қай даражада бўлиши унинг ўзига, шахсига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Ҳозирда бошланғич ташкилотларда ишлаётган котиблар ўз ҳуқуқ ва бурчларини яхши билишади. Шу кунларда туман кенгашимиз раҳбарлигидаги бошланғич партия ташкилотлари котиблари қишлоққа саноатни олиб кириш, жамоа хўжаликлари ва ширкатлар уюшмаларида, аҳоли зич яшайдиган қишлоқ марказларида ҳунармандчилик устахоналари барпо этиш, қишлоқларни ободонлаштириш, иқтидорли болаларни топиб, уларнинг келажаги ҳақида қайғуриш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш сингари долзарб юмушлар билан шуғулланишмоқда. Шу йилнинг ўзида 25 та бошланғич ташкилот ҳудудидаги уч юз нафардан зиёд ишсиз юрган ёшлар ҳунармандчиликка жалб этилди. Масалан, Навоий номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби Ҳабибулло Раҳимовнинг жонкуярлиги туфайли хонадонларга газ қувурлари мўлжалдагидан анча барвақт тортилди. Хўжаликда чеварлик, дўппи тикиш, атлас тўқиш, оёқ кийимларини таъмирлаш каби цех ва устахоналар ишга туширилди. Бекор юрган 50 нафардан ортиқ ёшлар ижтимоий фойдали меҳнатга сафарбар этилди. Котиб ташаббуси билан ташкил этилган ва талаб даражасида жиҳозланган хўжаликдаги "Маърифат" марказига вилоят миқёсида ўтказилган қўрикда юқори баҳо берилди. Ишбилармон котибимизнинг ўзи жамоа хўжалиги сут-товар фермасини хусусийлаштириб олди. Ўз вақтида ҳаловат нималигини билмай ишлаган Ҳабибулло аканинг ўрнида ҳозир унинг шогирди Шавкатбек Алижонов котиб.

— Жойларда бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада жонлантириш, кучайтиришга нималар монелик қилмоқда?

— Бошланғич ташкилот ишига калондимоғлик билан қараб, уларга етарли шарт-шароит яратишни ўзлари учун ор деб биладиган маҳаллий раҳбарлар ҳам учраб туради. Худога шукурки, шолининг ичидаги курмак сингари уларнинг сони ҳам оз. Менимча, эзгу мақсад йўлидаги кучли оқимга тўсиқ бўламан, деганлар охир оқибат даре тубига ғарқ бўлади. Мен аминманки, бундай мутасаддиларни ҳаётнинг ўзи "ранда"лаб қўяди.

Бироқ, биз ҳам ҳеч бўш келаётганимиз йўқ. Аввало, бошланғич ташкилотларга ҳар қандай тўсиқ-ғовларни енгишга ва партиявий, ташкилий, мафкуравий ишларни фидойилик билан олиб боришга қодир котибларни сайлаб қўйиш учун интиляпмиз. Улар партия фаолларига таяниб ташкилотлар ишини кун сайин авж олдиришмоқда. Айниқса, сайловлар арафасида буни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётир.

— Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, деган нақлни қандай шарҳлар эдингиз?

— Бу билан нима демоқчи бўлаётганингизни тушундим. Атиги уч нафар ташкилотчиси бўлган партия кенгашимиз ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар даврида барча юмушларга ҳам улгуравермайди. Шунинг учун ҳам биз биринчи навбатда туман ҳокимлиги, Ёшлар Иттифоқи ва хотин-қизлар қўмиталари, халқ таълими бўлими ходимлари

билан изчил ва яқин ҳамкорликда иш олиб боряпмиз. Барча тадбирларни улар билан баҳамжиҳат, бир ёқадан бош чиқариб амалга оширамиз. Қолаверса, биз бениҳоя катта куч бўлган партия фаолларимизга, минглаб партия аъзоларимиз ҳамда хайрихоҳ фуқароларга суянамиз. Туманимизда 1500 нафар ХДП аъзоси бўлиб, улар тўққизта ҳудудий, 25 та бошланғич ташкилотга бирлашганлар. Туманнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий фаолиятини йўналтириб, бошқариб боришни, такрор айтаман, юқорида номлари зикр этилган ташкилотлар билан ҳамкорликда, бамаслаҳат бемалол уддалаяпмиз.

— Ҳозирда туман кенгашлари ғоятда масъулиятли паллани бошдан кечирмоқда. Ўзбекистон ХДПнинг навбатдан ташқари II қурултойи бўлиб ўтди, унда партиянинг сайловолди Сиёсий дастури қабул қилинди. Бу йилги сайловларнинг ўзига хослиги, сизнингча, нимада?

— Партиямизнинг навбатдан ташқари II қурултойи уч йиллик фаолиятимизга ўзига хос якун ясади, бундан буёнги вазифаларимизни аниқ-равшан белгилаб берди. Қурултой қабул қилган сайловолди Сиёсий дастуримизни эса сайловолди курашида ҳар бир партия аъзоси ва ташкилоти учун дастуриламал, деб билмоғимиз даркор. Нафақат биз, балки бизнинг вакилимиз бўлган депутатликка номзодларнинг ўзлари ҳам тўла равишда унга таяниб иш олиб боришлари керак. Ташвиқот ва тарғибот ишларимизнинг барчаси шу асосга қурилмоғи зарур. Мен бу йилги сайловларнинг ўзига хослигини бир жиҳатдан шунда деб биламан. Иккинчидан эса, мамлакатимиз тарихида илк бор парламентга сайловлар кўппартиялилик асосида ўтади. Унда ғолиб чиқиш партиямиз учун кенг имконият уфқларини очади.

Бинобарин, ҳар қандай сиёсий партия, энг аввало, ҳокимият учун ташкиллашган кураш воситаси ва шаклидир. Доим шундай бўлиб келган. Ҳар қандай сиёсий партиянинг асосий мақсади — ўзи белгилаб олган вазифаларни рўёбга чиқариш учун ҳокимиятни эгаллаб олишдан иборат. Ушбу вазифани Конституция ва амалдаги қонунлар доирасида қойиллатиб уддалаган, парламент ва ҳукуматдаги асосий лавозимларга ўз вакилларини қўйиш имкониятини қўлга киритган партия ҳукмрон партияга айланади. Менимча, Олий Мажлисга номзоди кўрсатилган шахс эл ўртасида обрў-эътибор, ҳурмат қозонган, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий жиҳатдан пухта билимга эга бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам биз сайловолди курашимизда ва барча ташвиқот-тарғибот ишларимизда буни ҳисобга олишнинг пайидан бўляпмиз.

Турсуной Исоқова билан шу қисқа фурсатли мулоқот чоғида опанинг бағри кенг, билимдон, дунёқараши юксак, самимий ва олижаноб инсон эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Водийнинг олтин дарвозаси Бўзда Турсуной опага ўхшаш ватанпарвар, сергайрат, фидойи аёллар, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган инсонлар жуда кўп. Уларни шу кунларимизнинг қаҳрамонлари, десак ҳеч муболаға бўлмайди.

Ҳасанбой РУСТАМОВ суҳбатлашди,
Андижон вилояти.

25 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар куни

МУҲИМ БОСҚИЧ

Бутун Республикамизда бўлгани каби бизнинг Қашқадарё вилоятимизда ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловга тайёргарлик ишлари авж олиб кетди.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонун ва йиғирма биринчи чақириқ халқ депутатлари вилоят Кенгашининг йиғирманчи сессияси қарори асосида вилоят кенгашига сайлов ўтказувчи 57 сайлов округи, ҳар бир округда эса 9 кишидан иборат 57 округ сайлов комиссиялари ташкил қилинди. Ушбу комиссиялар аъзолигига вилоят халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилувчи, сиёсий партияларда қатнашмайдиган ишлаб чиқариш илғорлари, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотларининг вакиллари ва меҳнат фахрийлари танлаб олинди.

Вилоят ҳокимлиги ва сиёсий партиялар билан ҳамкорликда туман, шаҳар ҳамда округ сайлов комиссияларининг раислари семинар-кенгаши ўтказилди. Вилоятимизда туман ва шаҳарларида сайлов комиссияларининг қонуний ваколатларини амалга ошириш учун зарур бинолар ва жиҳозлар ажратилди.

Шуни таъкидлаш зарурки, вилоятимизда давлатимизнинг мустақиллиги, халқимизнинг тинч-осойишта ва фаровон турмуши учун курашадиган, халқпарвар, фидоий кишиларнигина вакиллик органларига номзод қилиб кўрсатишга эътибор қаратилди.

Сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 23-моддасида депутатликка номзодларга аниқ талаблар қўйилганлиги маълум. Жиноятдан, судланганлиги Қонунда белгиланган тартибда бекор қилинмаган ёки олиб ташланмаган ҳамда сайлов тайинланган кунга қадар сўнгги беш йил мобайнида республикамиз ҳудудида доимий яшамаган фуқаролар депутатликка номзод қилиб рўйхатга олинмайдилар. Бу қоида бўлажак депутат учун жуда адолатли талаб бўлиб, вакиллик органларига халқ билмайдиган турли тасодифий кишилар кириб қолишининг олдини олади. Яқин ўтмишимизда вилоятимизга "марказ"дан юборилган "десантчилар" тайинланган лавозимига келармас, уни депутатликка "сайлаш" учун зудлик билан бўш округ қидириб қолганлигимиз кўпчиликнинг эсида бўлса керак. Эндиликда янги Қонунимиз бундай ҳолларга асло йўл қўймайди.

Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ тузган режамизга кўра комиссия томонидан вилоят Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш 21 ноябргача давом этади.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ эса сайлов комиссиялари томонидан депутатликка номзодлар рўйхатга олингандан сўнг сайлов кунигача улар тўғрисида сайловолди ташвиқоти юритиш мумкин. Депутатликка номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда, ўз сайловчилари билан учрашувда тенг ҳуқуқлар берилади. Сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссиялари томонидан туман ва шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ташкил қилинади ва улар депутатликка номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган бинолар ажратишга масъулдирлар. Депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан йиғилиш ва учрашувлари иш вақтидан бошқа пайтда ўтказилиши лозим.

Шуни таъкидлаш муҳимки, сайловолди ташвиқотлар ва депутатликка номзодларнинг дастурлари давлатимизнинг мустақиллиги, яхлитлиги, хавфсизлиги ва суверенитетига қарши, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини камситишга, халқлар ўртасида миллий адоват ва хусумат келтириб чиқариш ҳамда бошқа ноўғ ҳаракатларга қаратилмаслиги керак.

Сайловни муваффақиятли ўтказиш, шубҳасиз, келажакда халқ депутатлари вилоят Кенгашини ташкил қилиш, унинг ишини янада яхшилаш ва юртимиз истиқболини ривожлантиришда ижобий аҳамиятга эга бўлади.

Мирза ТУРСУНОВ,
халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист.

Меҳр-мурувватли бўлайлик

ҚАЛБЛАРГА ПАЙВАСТА ҲИММАТ

Бир кам дунё экан. Чустлик Ҳасан, Ҳусан Нурматовлар жуда эрта ота-онасидан жудо бўлишди. Лекин ога-инилари, қўни-қўшни, маҳалла-кўй қолаверса, ЎзХДП туман кенгаши фаоллари уларнинг ўксик қалбларига пайваста бўлишди. Шу боис улар участкаси ҳам бўлишди. Аммо уй қуриш учун Ҳасан, Ҳусанларнинг қурби етмас эди. Акаси Раҳимжон ишга ярамай қолган, 2-гуруҳ ногирони. Шукуржон ҳам ўзига яраша ҳолиқудрат яшайди...

Эгизаклар маҳалла қўмитаси раиси Орифжон Маъруфжонов билан ссуда олиш учун кўп ҳаракат қилишди.

Шу йилнинг августида Ориф ака қувончли хушхабар олиб келди бу хонадонга: "... Президентга, ҳукуматимизга раҳмат, ўғилларим. Мана, уй-жойли бўладиган бўлдиларингиз. Эртага усталар келиб қурилишни бошлайди". Қувончдан ака-укаларнинг кўзларига ёш қалқди.

Чустдаги 133-кўчма механизациялашган тизим бинокорларининг зўр ғайрати билан тўрт хонали уй тез орада қад ростлади. Яқинда уйнинг очилиш маросими бўлиб, у катта тантанага айланди. Мустақил юртимиз шаънига илиқ сўзлар айтилди.

Бу хонадонда бўлганимизда ака-укаларнинг ҳукуматга, халқимизга миннатдорчиликларининг адоғи йўқлигини кўрдик. Куни кеча Шарифжон Эшматов ҳовлисидан 5 дона терак кўчати олиб келиб экибди. Синфдош дўстлар ҳовли атрофини ўраб беришга ҳаракат бошлабди. Шаҳар ҳокимлиги ва партия кенгаши, "Пансада" маҳалла қўмитаси ҳам уларнинг ҳолидан хабар олиб турибди. Ҳамжиҳатликка нима етсин!

Ортиқали АЛИБОЕВ.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Қадрли муштарийлар!

Ҳозир республиканинг барча почта бўлимлари, матбуот тарқатиш тармоқларида "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" газетаси учун 1995 йилга обуна давом этяпти.

Сиз "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" газетасида республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги янгиликлар, бутун жаҳонда бўлаётган воқеалар, шунингдек, турли рукнлар остида барча соҳаларга, сиёсий партиялар фаолиятларига тегишли маълумотлар билан танишиб бориш имкониятига эга бўласиз.

Яширмаймиз, газетамиз чакана савдога жуда оз миқдорда чиқарилади. Шунинг учун уни мунтазам ўқиб бораман десангиз, унга ОБУНА БЎЛИНГ!

Билиб қўйинг, бизнинг газетамиз обуна баҳоси республика етакчи рўзномалари орасида энг арзонидир.

Фуқаролар учун:
бир йилга — 252 сўм,
олти ойга — 126 сўм.
Корхона ва ташкилотлар учун:
бир йилга — 528 сўм,
олти ойга — 264 сўм.

Обуна-95

ЯҚИН СИРДОШ БЎЛАМИЗ

...Эрта саҳарда шудринглари тўкилай-тўкалай деб турган нафис атиргул кабидир. Аёл. Қалби нақадар нозик бўлсада шу қадар қудратли ҳам. Кўнгил дунёлари гоят гўзал. Бу дунёлар калитини топиб, дил мулкидан жавоҳирлар сараламоқ осонмас. Унинг дилига дилдош бўлмоғинг керак бу учун. Яқин сирдош бўлмоғинг керак бу учун...

"Саодат" Аёлга ана шундай сирдош ва дилдош дугонадир. Журналнинг ўзи-да, бу кун аёлни янада улуғламоқ, янада шарафламоқ ниятида қутлуг остонада турибди. Келинг, азиз муштарий, сиз ҳам бу остонада туриб ичкарига мўраланг, ундаги сирлардан огоҳ этай сизни...

"Саодат" келгуси йилдан сизга янада қадрдонроқ, янада дилкашроқ бўлади. У уй бекасидан то давлат идораларидаги хизматчиларгача, пахтакордан тортиб зиёлигача, фабрикалар ишчисидан тортиб сурувлари ортидан юрган чўпонгача — ҳамма-ҳамма аёлларимизнинг хонадонларига дадил кириб боради, яқин дўст бўлиб суҳбатлашади. Ёш қизалоқларга, опасингилларимиз, оналар ва бувижонларимизга, қолаверса, оила кўрғонининг посбонлари бўлмиш эркакларимизга ҳам "Саодат"нинг ўз бисотида асраб қўйган турли маслаҳат, тавсия ва ҳангомалари бор.

Қадрдон муштарий! Суюкли журналингиз "Саодат"га ёзилишга киришсангиз бас, бошимиз осмонга етгайдир. Журналнинг бир донаси 5 сўм 40 тийин, бир йиллик баҳоси эса 64 сўм 80 тийин.

Яратганнинг ўзи Сизни қўллаб-қувватласин.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
"Саодат" журналининг "Аёл, оила ва жамият" бўлими муҳаррири.

ҚУЛАЙЛИК ШУНДАЙ БЎЛСА

Пастдарғом тумани ҳокимининг фармойиши билан ҳар ҳафтанинг биринчи иш куни фермерларга қулайлик яратиш учун "Фермерлар куни" деб эълон қилинди. Бундан мақсад — фермер бўлиш истагида юрган туман аҳолисининг кучимкониятини ўрганиш ҳамда дастлабки қадам қўяётган фермерларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш, жамоатчиликнинг эътиборини уларга қаратишдир.

Маълум бўлишича, энди иш бошлаётган ёш фермер ўз ҳужжатларини тўла расмийлаштириб олиши учун камида 17 дан кўпроқ турли маҳкама ва идоралар остонасида сарғайиб туриши керак экан. Кўпчиликнинг гапига қараганда, бундай "синов"ларга ҳамманинг ҳам дош бериши қийин.

Шуларни эътиборга олган туман ҳокимлиги шу йўл билан иш бошловчи фермер хўжаликларига ёрдам беришга қарор қилди. Ҳар ҳафтанинг олдиндан белгиланган куни да бу ҳаракатга даҳлдор барча идораларнинг раҳбарлари туман деҳқончилик уюшмасига тўпланадилар. Улар шу ернинг ўзида иш бошловчи фермерларга ҳужжатларни расмийлаштиришда ёрдам берадилар. Уларнинг қизиқтирган саволларига жавоб қайтарадилар.

Туман ҳокимлигининг бу тадбири кўпчиликка қўл келмоқда. Шу боисдан ўтган уч ой ичида фермерлик истагида юрган 40 га яқин киши ариза билан ёрдам сўраб мурожаат қилди.

Муҳайё ТУРҒУНОВА.



Файзулло Акромов Косонсой шойи тўқиш акционерлик бирлашмасига 8 йилдан бери раҳбарлик қилиб келади. Бу йилларда корхонада ишчи ўринлари кенгайди. Меҳнатга муносабат ўзгарди, ишлаб чиқарилган маҳсулотларда сифат даражаси кескин кўтарилди.

Қувонарлиси, яқин орада корхона жун ва пахтани ҳам қайта ишлайдиган улкан қувватга эга бўлади. Бунинг учун бу ерда 20 гектарлик майдон ажратилиб, 10 та қурилиш ташкилотлари ёрдамида йирик корхона барпо этилмоқда. Қурилиш битса, 3,5 минг одам иш билан таъминланади. Муҳими республикамизда четга хом ашё эмас, тайёр маҳсулот экспорт қиладиган янги корхоналарнинг сони яна биттага кўпаяди.

СУРАТДА: корхонанинг бугуни ва эртаси.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ВАЗИРЛАР УЧРАШУВИ

ЖАКАРТА. Осиё-Тинч уммони иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар вазирлари ушбу минтақада эркин савдо ҳудудини тузиш масаласини муҳокама қилишга киришдилар. Ушбу иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига 17 мамлакат аъзодир. Вазирлар учрашуви жаҳон афкор оммасининг диққат марказида турибди.

ИРОҚ ҚУВАЙТНИ ТАН ОЛДИ

БМТ. Ироқ Қувайтни ва унинг халқаро чегарасини тан олди. Шу муносабат билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти яқинда бўладиган йиғилишда Ироққа нисбатан муносабатини ўзгартириши керак, — деди Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Андрей Козирев.

ЯРМИДАН КЎПИ НОЧОР АҲВОЛДА

МИНСК. Республика Давлат статистика қўмитасининг хабар беришича, Белоруссиянинг беш миллиондан зиёд аҳолиси белгиланган энг кам маошдан ҳам озроқ даромад олмоқда. Бу республика аҳолисининг ярмидан кўпи ночор аҳволда кун кечираяпти, деганидир.

ЖАҲОН БАНКИ РАҲБАРИНИНГ АЛМАТИГА ТАШРИФИ

АЛМАТИ. Жаҳон қайта тиклаш ва тараққиёт банки президенти Льюис Престон Алматига келди. У Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан учрашади. Учрашувда Қозоғистон иқтисодиётини ислоҳ қилиш учун бериладиган кредитларнинг шартлари муҳокама қилинади.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

АФИНА. Сув заҳираларини сақлаш ва ундан тежамкорлик билан фойдаланиш Яқин Шарқ мамлакатлари учун энг муҳим масалалардан бири бўлиб турибди. Греция пойтахти Афина шаҳрида бўлиб ўтган халқаро анжуман иштирокчилари ана шу мавзуда баҳс юритдилар. Унда Яқин Шарқдаги 13 та мамлакат вакиллари иштирок этди.

Ч. КУМАРАТУНГА — БИРИНЧИ АЁЛ ПРЕЗИДЕНТ

ДЕҲЛИ. Шри-Ланкада халқ бирлиги бош вазири Чандрика Кумаратунга мамлакатда ўтказилган президент сайловининг голиби деб эълон қилинди. Ч. Кумаратунга Шри-Ланка давлатининг юксак лавозимида ўтирган энг биринчи аёлдир.

ПАРТИЯ САФИДАН ЧИҚАРИЛДИ

ЛУСАКА. Замбиядаги Кўппартиялилик демократия учун ҳаракат партияси (КДҲП) раҳбарияти мамлакатнинг собиқ адлия вазири Людвиг Сондашини партия сафидан чиқарди.

Июль бошида Л. Сондаши мамлакат Президентини нашавандликда, ҳукумат аъзоларини эса порахўрликда айблагани учун эгаллаб турган вазифасидан бўшатилган эди.

КУРИЛЛДА ЕР СИЛКИНИБ ТУРИБДИ

МОСКВА. Курилл оролларида ҳамон ер силкиниб турибди. Яқинда Кунашир оролида 3,5-4,5 балл куч билан яна ер силкинганлиги қайд этилди. Қурбонлар йўқ.

Маълумки, октябрь бошларида ушбу оролда 9 балли зилзила рўй берган, натижада улкан вайронагарчилик ва одамлар орасида кўплаб қурбонлар бўлган эди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди.)

Миллат руҳи

Катта гурунгда эшитиб қолдим. Чол-кампирлар гаплашишарди. "Бу Ҳалимахон ҳалиям қўшиқ айтса кераг-а. Зўр овози бор эди, эритиб юборарди одамни. Бир-биримиздан ҳатто кўз-пўзинг йўқми, тағин суқланмасин, деб сўраб ҳам қўярдик. Ўн етти ёшида хизмат кўрсатган артист бўлувди шоввоз. Ҳозир қаерда экан?.."

Тўғриси, опанинг қўшиқларини мен ҳам радиода, ойнаи жаҳонда эшитганман, кўрганман. Эски ашулалари ёзилган пластинкаларим бор. Барибир бугун ана шу янгроқ ва ҳайратли овоз соҳибаси саксонни қоралаганига ишонгим келмайди. Кекса тенгқурларининг "ҳозир ҳам қўшиқ айтса кераг-ов" деган сўзларини эшитиб, опани бир кўрмоққа интизор эдим. Излаб-излаб, ниҳоят топдим...

БИР ҚЎШИҚ ЯШАЙДИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Кўрдим-у, бир замонлар Ҳалима опанинг кўзларимга муҳрланиб қолган ўрим-ўрим сочларию, самимий чеҳраси, жарангдор овози эсимга тушди.

Ўша овоз...

Опани гапга соламан:

— Ҳалима опа, Сиз катта ҳаётни кўргансиз. Саксон йиллик умрингиз ўтган йўлнинг қанчалар қувончли ва машаққатли кечгани ёлғиз сизга аён. Одам ке миши билан яшайди. Шул боис ўтган кунларингизга бир назар ташласангиз.

— Мен болалигимдан қўшиқ хиргойи қилиб юрардим. Лекин энг биринчи айтган қўшиғим "Муҳаббатнинг саройи кенг экан". Ўшанда чамаси, ўн тўрт ёшда эдим. Биринчи ролимни, гарчи у кичик бўлса-да, яхши эслайман. 1922 йилда биз учун Камол Қозининг мадрасасини 5-қизлар интернатига айлантириб беришганди. Интернат Қўқон театрига яқин эди. Кўп томошаларга олиб боришарди. Бир гал саҳналаштирилаётган "Ҳинду ихтилолчилар" пьесасидаги кичик бир қиз ролига мени таклиф этишди, Драматик кўриниш бор. Кичкина гадой қиз кўр отасини кўчалардан етаклаб, қўшиқ айтади. Эшитинг!

Ўтган-қайтган поччалар, айланай, поччам,

Ёрдам берсангиз эди, ўргулай поччам.

Ёлғизгина отамнинг аҳволини кўрингиз,

Бир озгина раҳм этиб, бир бурда нон берингиз.

Томошага тушган одамларнинг йиғлаб чиққанлари ҳалиям эсимда. Ўшанда Қўқон марказ шаҳармиди, билмадим, барча раҳбарлар, шоирлар, санъаткорлар шу ерда эди. Театрдаги уч-тўрт ролимдан сўнг уларнинг эътиборига тушдим. Лекин актриса бўлганимдан сўнг мен севиб, ихлос билан ижро этадиган ролларим Лайли ва Ширин эди.

— Сиз Усмон Носир, Чўлпонлар замонини кўргансиз. Улар ёш бўлишларига қарамай элга тез танилган. Шу ўринда Сиз, ўзбек аёллари орасида биринчи бўлиб "СССР халқ артисти" унвонини олгансиз. Бунинг устига ёшингиз, шу жумладан, шарт-шароит...

— Унвоннинг эрта-кечи бўлмайди. Мен "СССР халқ артисти" унвонини 24 ёшимда олдим. Лекин ундан олдин 17 ёшимда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" унвони билан тақдирланганман. Бунинг сири аввало меҳнатда, ўз устида мунтазам ишлашда деб ўйлайман. Мен умрим бўйи шу унвонларни оқлашга ҳаракат қилдим. Кейин бу биргина менга эмас, балки барча санъаткорларга ҳам берилган унвон эди. Тўхтасин Жалилов, Ҳайит Охун, Уста Олим, Абдуқодир Найчи, Аҳмаджон Қўшнай каби санъаткорлар билан кўп йиллар бирга ишлаб қадрдонлашиб кетганмиз. Уларнинг хизмати катта. Лекин халқ эътиборини қозониш мен учун катта унвон.

— Ўша замонда ўзбек хотин-қизлари орасидан санъаткор чиқишини эл-улус қандай қабул қилган эди? Бу борада сизнинг оилангиздагиларнинг муносабати қандай эди?

— Ота-онам менинг қўшиқ айтишимга асло қаршилик қилмаган. Тўғри айтасиз, ўша даврда аёлларнинг санъатга кириб келишини тасаввур қилиб кўринг-а?! Отам Муҳаммад Носир санъатни севадиган ниҳоятда саводли киши эди. Фарзандларининг ҳам ўқимишли бўлишларини истарди. Шунинг учун ҳам тилимизни ота-она билан эмас, "алиф", "лом" ҳарфи билан чиқарган. Бизга араб алифбосини ўргатиш билан бирга бир қанча диний китобларни ҳам ўқитарди. Ҳатто Қуръони карим сураларининг кўпларини ёддан билардик. Отамнинг ўшанда бошларида қозондай салласи бўларди. Чунки ўша пайтда у киши Худоёрхон саройида аълам вазифасида ишларди. Кейинчалик илмли, саводли, араб, форс, турк тилларини мукаммал билганликлари учун мударрис ҳам бўлган. Муқимий ва Завқийлар билан борди-келди ҳам қилиб турарди. Кўпчилик отамни Мавлавий домла деб ҳам аташарди. Бувим — Хосиятхон Юсуф қизи иккинчи хотинлари эди.

Отамнинг ҳам, бувим (она)нинг ҳам ажойиб овозлари бор эди. Отам "Ёввойи ушшоқ"ни яхши айтарди. Амаким эса Худоёрхон саройида машшоқ бўлган экан. Онам ҳар замон-ҳар замонда матал айтиб турарканг. Хуллас, кўриб турганингиздек, менинг овозим — ота мерос.

— Биринчи қўшиқларингизни қачон айтгансиз?

— 1923 йиллар эди-ёв, яхши эсимда йўқ. Ҳамзанинг

Тор қафасдан қутулдик, эзилиб ҳақсиз ётгани,

Қўлни тортинг, оталар, қизни молдек сотгани, — сатрли шеърини қўшиқ қилиб айтгандим. Шундан сўнг Ҳамза мен билан анча қизиқиб қолганди. Қўшиқ учун мослаб ёзилган шеър матнларини олиб келиб турарди. Ўша йили ўндан ортиқ қўшиқ айтганман. Миронов мендан иккитасини ёзиб олган. Кейин яна Ҳамза Фурқатнинг "Сайдинг кўй бер, сайёд" муҳаммасини менга ўзгартириб ишлаб берган. Ҳозир ўша ўзгарган шеър матнини бир эслаб кўрай-чи:

Кўп қийнама, эй жаллод, бечора экан мандек,

Чимматда юзи бўлган, бахтиқаро экан мандек,

Паранжисин ташлолмай оввора экан мандек,

Озодлик талаб қилса, қорнини пачоқлабсан

Паранжисин ташлашга тайёра экан мандек.

Қўшиқ куйини ҳам ўзимиз ўзгартирганмиз. Ўша пайтда Чўлпон домла, Ғулом Зафарий, Рафиқ шоирлар ҳаммаси Қўқонда эди. Айни шу йилларда яна Қўқонда кўплаб қўшиққа мослаб шеърлар ёзилаверди. Тўйчи Ҳофиз, Уйғур, Ҳайит Охун ва Толмасовлар, Тўхтасин Жалилов, Абдуқодир Найчи, Аҳмаджон Қўшнай, Домла Ҳалим, Ҳожи Абдулазиз, Садирхон, Рафиқ домла, Ҳамза, Али Ардовуз, Чўлпон домлаларнинг ҳаммаси менга қўшиқ матнини танлаб беришарди, куй басталашарди. Битта қўшиқ тайёр бўлиши учун эҳ-ҳе, қанча меҳнат, қанча сабр-тоқат керак эди. Қўшиқ айтишдан олдин доимо унинг сўзлари билан қайта-қайта танишиб чиқардим.

— Ўша 30- ва 40-йилларда санъаткорларни йирик курилишларга ҳатто урушларга юборишган. Одамларнинг кўнгилларига шунча азоб-уқубатлари устига яна қандай қилиб қўшиқ сиғган экан-а?

— Биз инсонмиз. Яхши-ёмон кунимиз кўп. Оғир кунларда айниқса биримизга суяниб қоламиз. Кўнглимизни кўтарамиз. Биласиз, ўша даҳшатли йилларда одамлар оқибатли бўлганлар. Шу ўринда мен Катта Фарғона канали қурилиши кунларида кечган лаҳзаларни ҳеч унутолмайман. Халқимиз учун оғир бўлган дамларда биз санъаткорлар тинч ўтиролмасдик. Уруш жанггоҳларида аварияга учраб,ўн уч жойимдан яраланиб, касалхоналарда ётиб чиққанларим — ҳаммаси эсимда. Биз халқнинг қувонч ва қайғусига доим шерик эдик.

— Эшитишимча, ўша оғир йилларда сизлар хорижга сафарга чиққан экансизлар. Қандай рухсат беришган?

— Бир гал Тихонов, Бебудов, Тамарахоним, мен ва умуман, Москвадаги Катта театр билан ўттиз чоғли санъаткор Хитойга гастролга бордик. Ўшанда томошабинлар олқишидан завқланиб, ўн иккита хитой қўшиғини ўрганганман. Бошлиғимиз катта театрнинг директори эди. У доим менинг ёнимда юрарди. Бизни яхши кутиб олишарди.

— Умуман, бизда айримлар санъаткор аёлларга нисбатан бошқача муносабатда бўлишади. Чин кўнгилдан қабул қилишлари қийин кечадими-ей?

— Очиғи, кўнглида яхши нияти бўлмаганлар кўпроқ шундай ёмон хаёлларга боришади. Лекин бир нарсани унутмаслик керак. Халқимиз ҳақиқий санъат фидойисини, чин маънодаги истеъдод эгасини ҳамма вақт тан олади. Ҳурмат қилади. Лекин санъатда бу номни оқламайдиганлар ҳам йўқ эмас. Ўртамиёна санъаткорнинг куни қурсин.

— Сиз яшаган даврдаги санъат билан ҳозирги санъат орасида фарқ қандай?

— Жуда катта. Ўша даврга боғлаб тушунтириб ўтиришнинг менимча, ҳожати йўқ. Қанча меҳнат эвазига, яхши ният билан яратилган миллий опера санъатини кейинги вақтда кераксизга чиқаришди. Миллий операсиз санъатимизни тасаввур қилиш қийин. У зарур, уни биз улоқтириб ташлолмаймиз. Санъат — маданиятнинг чўққиси. Ўша давр санъаткорлари ҳақида айтсам, улар ниҳоятда саводли ва маърифатли эди. Бетакрор ҳофизлар ўтиб кетди-да...

— Ўша, Сиз армон билан эслаган машҳур ҳофизларнинг таъсири ҳам катта бўлгандир?

— Мен таниш бўлган, борди-келди қилиб турган санъаткорларни санасам, ҳисоб етмайди. Улар турли миллат вакиллари эди. Барчаси мен учун қадрдон бўлиб қолган. Маннон Уйғур, Тўхтасин Жалиловни айтайми ёки бошқалари, Чўлпон домла, Ҳамза, Ғайратий, Аброр Ҳидоятов, Маъмуржон Узоқов, Мухтор Ашрафий, Жўрахон ака, Юнус Ражабий, Тўйчи Ҳофиз, Домла Ҳалим, Тамарахоним, Гавҳар Раҳимова, Сора Эшонтўраева, қирғизлардан Сайёра Ҳайзбоева, туркманлардан эса Майя, Анна Қуллиева, озарбойжонлардан Булбул Мамедов... Улар билан ўтган унутилмас суҳбатлар, баҳс-мунозаралар ҳеч ёдимдан чиқмайди.

— Чўлпон домлани кўп эсга олаяпсиз...

— Мен уларнинг ҳовлисида бир ярим йил чамаси яшаганман. Ўша йиллар Самарқанддаги Ҳамза театрига қатнаб юрган пайтларим эди. Ҳовлидан ариқ оқиб ўтарди. Унинг ёнида эса сўри бўларди. Ўша сўрида кўпинча сочимни ювардим. Домланинг рафиқаси Солиҳахон эса доим сочимни икки ўрим қилиб ўриб қўярди, Айниқса, Чўлпон домланинг:

Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлимни йўқотдим-ку, — сатри билан бошланувчи қўшиғини куйлаб берганимда хурсанд бўлардилар. Домладан кўп нарсаларни ўрганганман. Рафиқаси билан аҳил яшарди. Тақдиримга улар билан биргаликда яшашдек қисмат битилганидан миннатдорман. Қилган яхшиликларини қайтара олмадим. Бу мен учун армон бўлиб қолди.

— Сиз машҳур ёзувчи-драматург Комил Яшиннинг рафиқасисиз. Айримлар гоҳо ижодқорлар ўртасидаги оилавий муносабатларни баҳолашга юзаки қарашади. Иккингиз...

— Сизни тушундим. Қандай учрашгансиз, демоқчисиз? Бу ҳақда Яшин ака ўзининг "Ёднома" китобида ҳам ёзган. У билан биринчи марта театрда танишганмиз. Домла ўша вақтда театр учун пьесалар ёзарди. Бизда қонунга ўхшаган бир тартиб бўларди. Театрдаги санъаткорлар шу ердаги қизларга уйланишарди. Аброр Ҳидоятов Сора Эшонтўраевага, Уйғур оға Ардовузнинг опасига-санъатшунос аёлга уйланишган. Шу каби Сиддиқ Ҳожи ҳам. Айни ўша дамларда Яшин ака қаерга борсак, гастролларгами, театргами, доим бирга борарди. Мен эса 15 ёшларда эдим. Севги, ҳаёт ҳақида ўйлаб ҳам кўрмовдим. У кўп шеърлар ҳам ёзарди. Айниқса, аёлларни эъзозлаб ёзган шеърлари менга ёқарди. Ўзим ҳам шеъриятни севардим. Кўпроқ Навоий, Фузулий, Мирзо Бедилни ўқирдим.

Хуллас, Тўхтасин Жалилов, кўпчилик бир бўлишиб, мени Андижонга кетишга, Яшин акага турмушга чиқишимга кўндиришди. Шунинг учун Ҳамза театрини ташлаб, Андижонга кетдик. Тўйимиз апрель ойида ўтган бўлса, ноябрда Муҳиддин Қори Ёқубов Андижоннинг катталари билан биргаликда мени яна Самарқандга олиб келди. Энди бу сафар қадрдон Ҳамза театрида эмас, мусиқали драма театрида иш бошладим.

Домла билан 60 йилдан буён биргамиз. Йўқ, биз кўпни кўрган бўлсак-да, ҳаммасига чидадик. Сабрли бўлдик. Бир-биримизни тушунамиз. Эркалигимизни, қайсарлигимизни ҳам кечирамиз. Худога шукур, бир-биримизга суяниб яшаяпмиз. Икки фарзандимиз бор. Ўғлим Баҳодир академияда, фан номзоди, қизим Нодирахон — арабшунос.

— Ҳозир ўзбек қўшиқчилик санъатида иқтидорли ёшлар кўп. Гоҳо овозларда тақлид, ўхшашликлар учрайди. Умуман, бир йирик санъаткор сифатида энди ўз йўлини топаётганларга қандай тилакларингиз бор?

— Санъатда, Белинский айтганидек, дард бўлмаса, маҳорат бўлмаса, ва у инсон руҳиятини кўтаришга хизмат қилмаса, бундай санъат ўлади. Уни яратиш учун тинмай изланиш лозим. Шоир қалами билан, хонанда овози билан, созанда сози билан тирик-ку? Шунинг учун гўё она ўз фарзандини катта ҳаётга йўллаётгандек, мен ҳам ёш хонандаларга ўз масалаҳатимни билдирмоқчиман. Ҳар бир қўшиқ ўзича юзага келавермайди. Унинг устида тер тўкиб, қунт билан ишлаш лозим. Мен санъатга кириб келаётган ёшлардан маҳорат, дард, қуруқ гоя эмас, бадиият масаласига қаттиқ риоя қилишларини сўрайман. Айниқса, қўшиқ мазмуни доимо диққат марказда турмоғи лозим. Шундай хонандалар борки, баъзан мазмун-эътибордан четда қолади, ҳатто бошқа тиллардаги қўшиқларни ҳам мазмунига эътибор бермай куйлайверади. Ўзим араб, тожик, эрон, озарбойжон, арман, хитой тилларида қўшиқ куйлаганман. Мазмунини қайта-қайта кўриб чиқардим. Лайлини, Ширинни ижро этганимда ҳам, Навоий, Фузулий газалларини куйлаганимда ҳам, аввал мазмунни чуқур ўрганардим, таҳлил қилардим, сўнг куйлардим. Мазмун етакчи ўринга қўйилгандагина қўшиқдаги дард, хонанданинг маҳорати сезилади. Кўп санъаткорлар билан йиғилганимизда шоир Собир Абдулла бир воқеани такрор-такрор айтиб, барчамизни кулдирарди. Бир хонанда Фузулийнинг

Шифои васли қадрин ҳажрида бемор ўландан сўр,

Зилоли завқи-шавқин ташном дийдор ўландан сўр, байти билан бошланувчи газалининг:

Ковокиб сайлини шаф то саҳар бедор ўландан сўр, сатрини бузиб:

Кавобпаз сайлини шафтолидан бедор ўландан сўр, деб куйлаган экан.

Агар шеър мазмуни бузилса, томошабин эмас, шоирнинг ўзи ҳам дод солиб юборади. Шундай қилиб, фақат қўшиқдан эмас, драмада ҳам агар шундай хато қилгудек бўлсам, Мавлоно Хуршид домла, Чўлпон домла тезда хатоларимни тузатишарди. Етим Бобожонов, Маннон Уйғур эса шундай бўлмаслигини қаттиқ талаб қиларди. Хуллас, мен ёш хонандалардан ўзларига нисбатан талабчан бўлишларини истардим.

Баъзи қўшиқларимни соғиниб қоламан. Қани эди, куйласам. Кўриб турганингиздек, бугун Ўзбекистонда катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Қанчалар орзу қилинган эркинлик, мустақиллик қўлга киритилди. Шу кунларга етиб келганим учун тангридан миннатдорман. Энди давлатимиз келажаги учун, равнақи учун куйлагим келяпти. Афсус, ҳазрат Навоий "Қарилик дарди бедармондир охир" деганларидек, бугун биз ҳам анча кексайдик. Барча умидимиз энди ёшлардан.

Ҳалима Носирова... ҳар биримизнинг кўнглимизда бир қўшиқ яшайди. У янгроқ ва жарангдор. Ўлмас бир наво юракларни титроққа солади. У... ўзбекнинг, Ўзбекистоннинг ҳар лаҳза куйланадиган қўшиғидир.

Муаттар АЛИЩБОЕВА.

Бир ёқадан бош чиқарган хўжалик аҳли ҳар қандай шароитда ҳам мўл ҳосил етиштиради. Буни Дўстлик туманидаги "Оқолтин" ширкатлар уюшмасининг "Зафар" ширкати мисолида кўришимиз мумкин.

Зафарчилар бу йил 1200 гектар ердан 3200 ўрнига 4000 тонна пахта ҳосили етиштирдилар. Ҳамжиҳатликни қарангки, биринчи теримдаёқ режа бажарилди.

Суратда: (чапдан) ширкат раиси А. Шодмонов ва механизатор Мирза Игликов.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

Жамғарма Банки

ҲИСОБ-КИТОБ ЧЕКИ — ТЎЛОВЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСЛУБИ

Ҳисоб-китоб чеки— Сизни нақд пул олиб юриш ташвишидан халос этади. Республикамизнинг барча ҳудудида дўконлардан ва савдо ташкилотларидан харид қилинган қимматбаҳо буюмлар учун ҳисоб-китоб чекларини тақдим этиш мумкин. Шунингдек, у бошқа кўпгина хизматлар учун ҳақ тўлашда нақд пул ўрнини босади.

Ҳисоб-китоб чеки - бу шахс номига берилган пул ҳужжати бўлиб, у Жамғарма банки томонидан омонатда сақланаётган жамғарма ҳисобидан, шунингдек Жамғарма банкига нақд пул тарзида топширилган маблағ ҳисобига исталган миқдорда ёзиб берилади.

ҲИСОБ-КИТОБ ЧЕКИ — ХИЗМАТ ВА ТЎЛОВЛАРДА ҲИСОБ-КИТОБНИНГ ҚУЛАЙ УСУЛИДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ

Жамғарма Банки

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

КЎРСАТУВЧИГА БЕРИЛАДИГАН МУДДАТЛИ ОМОНАТ БУ СИЗНИНГ МУАММОЛАРИНГИЗ ЕЧИМИДИР!

Бу янги омонат тури 1994 йил 1 ноябрдан камида бир йил сақлаш муддати билан ва йилига 100 фоиз миқдорида даромад тўлаш шарти билан киритилмоқда.

Қуйидаги имтиёзлар ўзига жалб қилиб, Сизни ҳайратга солади.

Омонат очилаётганда шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилинмайди ва шунингдек, исми-шарифингиз омонат дафтарчасига ва бошқа ҳужжатларга ёзилмайди;

Омонатнинг сирлиги ва тўлиқ сақланишига кафолат беради.

БУ ОМОНАТ 500 СЎМ ВА УНДАН ЮҚОРИ МИҚДОРЛАРГА ОЧИЛАДИ.

Қўшимча маълумотларни Жамғарма банкининг исталган муассасасидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин:

43-35-19, 45-66-43, 33-51-95.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ

Гулшаҳноз Шоисломова Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳининг педиатрия факультетини битириб, ўз фаолиятини бошлаганига 25 йил тўлди. Шу йиллар давомида у минглаб кишилар дардига малҳам топди. Мана, 18 йилдирки у болалар клиникасида ишлаб келмоқда. Бу ерга келган ҳар бир она ва бола моҳир шифокорлар хизматидан мамнун бўлишяпти.

Суратда: Гулшаҳноз ШОИСЛОМОВА.

А. Тўраев олган сурат.

ЙИГИТНИНГ ЗЎРИ ЕР ОЧАР

ЗОМИН ТУМАНИДА ЯНГИ ЕРЛАР ЎЗЛАШТИРИЛЯПТИ

Бир пайтлари Жиззах, Қарши даштларини ўзлаштириб шу ерларда муқим яшаб қолганларни чўлқувар дердик. Кейинги йилларда ана шу ибора нима учундир кам ишлатилаётир. Кўпчилик республикамизда янги ер очиш ишлари ниҳоясига етган деб ўйлашади. Ваҳоланки, қатор вилоятларда даштни ўзлаштириш давом этяпти. Зомин туманидаги 17-хўжалик ҳисобидаги агроучастка ўтган йили янги ўзлаштирилган ерда ташкил этилганлигини айтсак, баъзилар ажабланиши мумкин. Техника воситалари қимматлашиб бораётган ҳозирги шароитда шунча харажат шартмикан, деб ўйловчилар топилади. Уларга жавоб шундай: юртимизнинг буюк келажаги, турмуш фаровон ва ўлкамиз обод бўлиши учун бугун шу ишларни қилишимиз керак.

Хўжалик идораси — кичкина вагонча. Эрталаб шу ерда йиғилишиб, қиладиган ишларини режалаб олишади. Сўнг ҳамма ўз ишига. Кечқурун эса ярим кечагача вагончада қолишиб бажарилган ишларни таҳлил этишади, муаммолар ечими ахтарилади. Агроучастка директори Маҳмуд Дарвишевни ишхонаси — вагончада учратдик.

— Мустақил республикамизда биринчи марта Жиззах чўлини ўзлаштириш иккинчи босқичи асосида 1993 йил бизнинг хўжалик ташкил этилган,— дея гап бошлади М. Дарвишев.— Шароитимизни кўриб турибсиз. Бу йил 705 гектар майдонда деҳқончилик қиляпмиз. Пахта, ғалла, сабзавот экилди. Ерларимиз ҳали "камбағал". Шунга қарамай 400 тонна пахта топшириш мўлжалланган. Қолаверса, сув масаласи энди ҳал этилаётир. Жиззах чўл қурилиши ташкилотлари лоток тортишяпти.

— Одамларнинг кайфияти қандай?

— Чакки эмас. Муҳими, жамоамиз аҳил. Бугунги қийинчиликлар ўткинчи. Бу жойлар ҳукуматимизнинг олисни кўзлаб қилаётган ишлари туфайли ўзлаштирилаётир. Икки-уч йилдан кейин чўл янада яшариб, обод бўлади.

Атрофга назар ташлайман. Кенглик. Узоқ тоғ бағридаги қишлоқлар кўринади. Зомин чўллари.

— Ҳув, тоғнинг орқасида юздан зиёд техника ишлаяпти,— Маҳмуд ака қўли илан ишора қилиб кўрсатаркан, гапида давом этди,— шу йил яна 800 гектар янги ер хўжалигимиз ҳисобига ўтади. 1995 йилда 1400 гектар майдон ўзлаштирилиши керак. Ҳозир асосий сув узатиш тармоқлари ўтказилаётир. Ернинг қуввати паст. Шунинг учун дастлабки йиллари унумдорлигини оширадиган беда, ғалла сингари экинларни экиш керак.

Гап орасида Маҳмуд аканинг касби билан қизиқдим. Гидротехник экан. Саксонинчи йилларнинг бошида Яман давлатида ўз соҳаси бўйича ишлаб қайтибди. Кейин Арнасойда. Ўтган йили Зомингa келиб тақир ерларни ўзлаштиришга киришган чўлқувар.

— Қандай муаммолар бор? — сўрайман директордан.

— Техника масаласи бироз оғир бўлиб турибди. Биласиз, ҳозир унинг нархи қиммат. Шу маънода тегишли ташкилотлар бизни тўғри тушуниб, ёрдам берадилар деган умиддамиз. Маълумки, янги ерлар ўзлаштирилиши муносабати билан шу атрофдаги қишлоқлардаги одамлар иш билан таъминланади. Сир эмас, ҳамма ҳам қулай жойни ташлаб буёққа келавермайди. Айни пайтда йўл ва уй-жой қурилишини тезроқ ҳал этишни ўйлашимиз лозим. Шундай қилинса, одамлар бу ерларда муқим яшаб қоладилар.

— Оғир, аммо хайрли ишни бошлабсизлар. Келажакда бу жойлар қандай бўлади?

— Умумий майдони 7000 гектарга етказилади. Бу ҳазилакам рақам эмас. Шунча жойдан қанча пахта ёки ғалла етиштириш мумкинлигини бир тасаввур қилинг. Катта рақам пайдо бўлади. Мана шу чўл ерлар мамлакатимиз иқтисодини юксалтиришга хизмат қилади. Хўжалигимиз аъзолари бир нарсадан хурсанд. Улар Ўзбекистон истиқлолга эришгандан кейин янги ер очиб шу ерда ишлаётганларидан фахрланадилар.

Унинг гапларига қўшимча қилиб шуни айтиш керакки, агроучастка кўп ўтмай туманнинг йирик хўжаликларидан бирига айланади. Негаки, Зоминда янги ерларни ўзлаштириш давом этмоқда. Зеро, ер очганнинг юзи очиқ бўлади.

Равшан ШОДИЕВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

"ҲАЁТ ВА ҚОНУН"

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-ҳуқуқий ва илмий оммабоп "Ҳаёт ва қонун" юридик журналига 1995 йил учун обуна давом этмоқда.

1 йилга — 120 сўм,

6 ойга — 60 сўм

Обуна республиканинг барча алоқа бўлимлари ва матбуот тарқатиш бўлинмаларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Индекс 75250

Меросимиз

РУҲИ ҚУДСИЙЛАРДАН БИРИ

Истиқлол, миллий ва маънавий қадриятларни тиклаш туфайли мозий узра ёйилган қора пардалар кўтарилмоқда. Оддийгина мисол: тарихимизнинг заҳматкашлари саъй-ҳаракатлари билан яқинда халқаро Шароф Рашидов фонди "Ҳазрати Башир тарихи" китобини чоп этди.

"Агар қайсидир вилоятда нефть ёки бирор қимматбаҳо қазилма бойлик кони топилиб қолса, шу вилоят биринчилардан бўлиб оёққа туради, — дейди Қашқадарё вилояти ҳокими Темур Хидиров китобга ёзган "Маънавият кони" сарлавҳали сўзбошисида. — Хўш, шу вилоятнинг бирор тумани ёки қишлоғи тарихига доир бир қимматли ёдгорлик ёки қўлёзма топилса-чи! Албатта, бу ҳолда ҳам олтин кони топилганидек қувониш, эзгу ишларга хайрихоҳ бўлиш лозим..."

Китобнинг дунё юзини кўришига кўп киши ҳисса қўшган. Китобдан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси раиси шайх Абдул Ғани Абдулла жаноблари суҳбати ўрин олган.

Ҳар қандай улуғ иш заҳмат ила юзага чиқади. Тасодиф туфайли топилган қўлёзманинг китобга айланишида Қарши дорилфунуни муаллими, фидоий олим Аҳмаджон Чориевнинг хизмати бор. Олим асарга қўшиб чоп этилган мақоласида қизиқ тафсилотларни келтиради. Талабалар устозига илк бор 1991 йилда Ҳазрати Башир ҳақида гапириб беришган экан. Тадқиқотчи ҳақиқат эпкинига юз буриб, қишлоққа келганида унга одамлар "Паландара" хўжалигида истиқомат қилувчи Сайид Аҳмад Исомхон ўғлида бир китоб борлигини айтишади. Тарихчи олимни у киши яхши кутиб олади. Унинг отаси Исомхон Ҳасанхон ўғли 1898 йилда Ҳазрат Башир қишлоғида таваллуд топган. Бухоро мадрасасида ўқиган. Ўзбек, тожик, рус, араб, форс тилларининг билимдони бўлган, мадрасада сабоқ берган экан. Қатағон йилларида нодир китобларни имкон қадар сақлаб

фарзандларига қолдирган. Ана шулар ҳақида ҳикоя қилган Сайид Аҳмад Исомҳон ўғли отасидан "Мири ҳақиқат" номли қўлёзма қолганлигини эътироф этади. Шу ўринда диёнатсиз тузум ва тутуруқсиз мафкура тазйиқлари, бошга тушган жабру жафоларга бардош бериб, нодир асарларни сақлаб қолган кишиларга нисбатан қалбингизда чексиз ифтихор туясиз.

Форс тилидаги қадимий қўлёзманинг сирини очиш ҳам осон кечмади. Ниҳоят, Китоб туманидаги масжиднинг имом-хатиби Сайфиддин Қамариддин ўғли қўлёзмани ўзбек тилига ўгиришга жазм этади. Қўлёзманинг дастлабки саҳифаси йўқолганлиги туфайли муаллифи номаълум. Қалби пири муршидига ихлос билан тўлган шогирд каломи эканлиги қўлёзмани ўқиганда аён бўлади. Профессор Нажмиддин Комилов "Мири ҳақиқат" сўзини абжад ҳисоби билан ўгирганда ҳижрий 868 йилнинг чиқиши, мелодий 1464 йилга тўғри келишини мақолаларида тилга олганлар. Номаълум муаллифнинг гувоҳлик беришича, "Мири ҳақиқат" — ҳозирги ҳисоб билан 1379 йилда Китоб туманидаги Қоплотун қишлоғида таваллуд топган Шайхи Бузруквор Сайид Аҳмад Валининг ҳаёти ҳақидаги қиссадир. Шайх ёшлигида кўп уқубатларга дучор бўлган, кекса онасининг кўксидан сут келмаганлиги туфайли ва сут эммай улғайгани боис уни "бешир" дейишган, кейинчалик Ҳазрат Башир аталиб кетганлар.

Асарни мутолаа қилар экансиз, исломий маърифатнинг улуғ шуури қалбингизни ёритганини сезасиз. Тақво ва меҳнатни тириклик асоси, деб билган, бу йўлда кўп ранж ва машаққат чеккан Сайид Аҳмад Вали авлиёлик, башоратгўйлик мақомига етади. Ота-онаси қарамоғидан кетиб, ёшлик чоғларидаёқ Ғори Ҳакимда истиқомат қилади. Ерга меҳнат сарфлайди, пистазорлар бунёд этади. У киши ҳатто вақф учун ажратилган ерлардан воз кечадилар. "Менга худо берган бир парча ер етарли, шунга бугдой экиб, боғ кўкартириб, кунимни ўтказаман", дейди. Китобда ёзилишича, Мирзо Улуғбек олдида ҳам Шайх катта қадр топган. Ҳукумдор ва олим шайхи комил билан суҳбатлашган. У кишидаги улуғ фазилатлардан сарафроз бўлиб, бож-хирож тушумларидан катта ҳадя ином этган экан. Аммо Ҳазрат бу маблағни ўзига сарфламаган. Панжакентда бир масжид қурдирган. Али Қушчидек аллома қувғинга учраганда, Шайх ҳузурида бир неча йил истиқомат қилганлиги ҳам асарда тилга олинган...

Каромат соҳибларига ишонмай келдик. Авлиёлик сифатларини тан олмадик. Бироқ мозийда ўтган аждодларимиз орасида бундай хислатли инсонлар кўп бўлган. Ҳазрати Баширдаги шундай улуғ фазилатларни кўрган ихолсмандлари, муридлари кўпайгандан-кўпайган. Мўғул амирларидан бири умрининг қолган қисмини Шайх ҳузурида ўтказиб, шу жойда қазо топган, ҳатто муридлари орасида хитойликлар ҳам бўлган экан.

Сўфийлик удумларига қизиққан китобхон кўп нарсани ўрганиши турган гап. Асар атрофлича тадқиқ этиш учун, юрт тарихини ўрганиш учун ажойиб манба.

Юнус УЗОҚОВ.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги —70 ёшда

АДОЛАТ КАМАРИ

Ўзбекистон собиқ Иттифоқ республикалари орасида биринчилар қатори давлат мустақиллигини эълон қилди.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида, 1991 йил 31 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонун эса ана шу мустақиллигимизнинг ҳуқуқий негизи бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон ССР Революцион Комитетининг 1924 йил 26 ноябрдаги қарори билан ташкил этилган Ўзбекистон Юстиция халқ комиссарлиги, кейинчалик 1946 – 47 йилларда қайта номланиб, ЎзССР Иттифоқ республика Адлия министрлиги 1956 йилда қайта номланди, Ўзбекистон ССР Адлия вазирлиги деб аталди, 1959 йилнинг март ойигача фаолият кўрсатган бу тизим ҳуқуқий соҳада муҳим ва мураккаб фаолиятлардан бўлган Ўзбекистон ССР ҳудудидаги барча судлов муассасалари, прокуратура, тергов органлари, нотариал ва суд ижрочиларининг ишини ташкил этиш, уларга умумий раҳбарлик қилиш ва суд ҳодимларини амалга тайинлаш, қонунчиликни кузатиб бориш билан бирга яна бир қатор вазифаларни бажарганлиги, давлат органлари орасида унинг мустаҳкам ўрни борлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилганлиги сабабли 1959 йилда тугатилган Адлия вазирлиги ЎзССР Олий Совети Президиумининг 1970 йил 1 октябрдаги Фармони билан қайта ташкил этилди. Республика Министрлар Совети 1972 йил 27 сентябрда унинг Низомини тасдиқлади.

Айни кунларда мустақил Ўзбекистон адлия органларининг дастлабки фаолияти шу йилнинг ноябрь ойида тантанали равишда нишонланади.

Ўтган ана шу тарихий давр мобайнида шу соҳа фидоийлари мураккаб ва айни вақтда шарафли йўлни босиб ўтдилар.

Давр руҳи, жамият ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар адлия соҳасига ҳам жиддий таъсир этганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўтган давр хатоликлардан ҳоли бўлмади. Лекин 70 йиллик тарихимизда, тилга олса арзигулик муваффақиятлар ҳам қўлга киритилганини, юзлаб, минглаб виждони пок ватандошларимиз меҳнатини, устозларимиз фидоийлигини, шу соҳада баҳоли қудрат халққа хизмат қилган инсонларнинг хизматини эслаб ўтиш жоиздир.

Бундай кишилар сафига Х. Сулаймонова, М. Восиқова, Ж. Ажраев ва бошқалар киради. Биз бундай ҳамкасбларимиз билан ғоятда фахрланамиз.

Республикамиз мустақилликка эришиб, ҳуқуқий демократик жамият қурилаётган ҳозирги даврда Адлия вазирлиги ва унинг органларининг тутган ўрнига алоҳида аҳамият берилиб келинаётганлигига Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1992 йил 8 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги Фармони ва шунга мувофиқ Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 12 ноябрдаги қарорига асосан Адлия вазирлигининг мустақил Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига айлантирилгани яққол далилдир.

Бу қарорлар ўз вақтида Адлия вазирлиги зиммасига жуда муҳим ва масъулиятли вазифалардан бўлган Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Республикаси ва унинг фуқароларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, Ўзбекистон Президенти шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш билан боғлиқ тегишли ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишда Президент вакили сифатида қатнашиш, бошқа давлат судларида Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўриш каби вазифаларни юклатди.

Ҳозирги пайтда республика Адлия вазирлигининг фаолият доираси, ҳуқуқлари, бурчлари ва ваколатлари янада кенгайтирилди. Адлия вазирлиги республика ижроия ҳокимияти органларидан бири бўлиб, вазирлик тизимига Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоят ҳокимликлари ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг адлия бошқармаси, нотариал идоралар, фуқаролик ҳолатларини қайд этувчи органлар (ЗАГС), Тошкент Давлат юридик институти, Тошкент юридик колледжи, Малака ошириш институти, "Адолат" нашриёти, хўжалик ҳисобидаги ҳуқуқий хизмат кўрсатиш маркази, "Ҳаёт ва қонун" юридик журналлари киради.

Адлия вазирлиги фаолиятининг муҳим қирраларидан бири бу судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш масалалари бўлиб, 1992 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Судлар тўғрисидаги қонун"га асосан Қорақалпоғистон Республикаси Олий Суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар судларининг фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсуниш қоидасига қатъий риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

судларни ташкил этиш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳокамасига киритади.

– судьяликка номзодларни танлайди ва уларни тайёрлайди;

– судьяларнинг малакасини ошириш билан шуғулланади;

– судларнинг моддий-техника таъминоти ва уларнинг фаолияти учун зарур шароитларни яратиш ишларини ташкил этади;

– судларнинг ташкилий ишларини текширади;

– халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказишни ташкил этади;

– суд статистикасини юритиш ва суд қарорларини ижро қилиш ишини ташкил этади;

– судьяларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Бу ишларни амалга ошириш учун Адлия вазирлигида судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш бошқармаси фаолият кўрсатмоқда.

Юқоридаги қонунга асосан Ўзбекистон Республикасида суднинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларда ҳамда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларига риоя этилишини кафолатлашга қаратилган.

Суднинг фаолияти ижтимоий адолатни, тинчлик ва тотувликни таъминлашга, ҳуқуқий тартиб ва қонунийликни барча чоралар билан мустаҳкамлашга қаратилган.

Республикамизда судлар томонидан ўз вазифаларини, одил судловликни лозим даражада амалга оширишларини таъминлаш борасида ҳам муҳим чора-тадбирлар кўрилмоқда. Республикамизда барча судлар судьялари Республика Президенти томонидан тайинланиши, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 9 июлда "Ўзбекистон Республикаси судьяларини, прокуратура ва адлия ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида"ги, Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва судлари фаолиятини ташкил этишга қаратилган бир қатор қарорларнинг қабул қилинганлиги, судьяларга малака даражаси, мартаба даражалари ва узоқ муддат хизмат қилганлиги учун қўшимча ҳақ миқдорларини белгилаб берилиши давлатимизда суд ҳокимиятининг мавқеини мустаҳкамлашга, одил судловликни амалга оширишда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 19 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия органлари ва судлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги қарорига асосан, шунингдек республикадаги жами суд биноларини қўриқлаш вазифаси Ички ишлар вазирлиги системасига юклатилган. Судларни тегишли техник жиҳозлар билан таъминлаш белгиланди, суд ва адлия органлари жойлашган бинолар адлия органлари тасарруфига ўтказилди. Судларни автотранспорт воситалари билан таъминлаш масалалари ҳал қилинмоқда.

Ўз вақтида бу ғамхўрликларга жавобан республикамиз судлари ходимлари ҳам ўз зиммаларига юклатилган вазифаларини шараф билан бажаришга ҳаракат қилмоқдалар. Судларда бўлган ишларни муддатида кўриш, фуқароларнинг шикоят ва аризаларига ўз вақтида тўлиқ жавоб бериш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш чоралари белгиланмоқда ва амалга оширилмоқда.

Маъмур ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари

ХАЙРЛИ ИШ

Жиззах туманидаги Шредер номли узум ва мевали кўчатлар етиштирувчи хўжаликка Райимқул Қосимов номи берилган.

Райимқул Қосимов дунёни таниган даврларда алғов-далғовли маҳаллар эди. Бир тарафда "қулоқ" деган бало чиқиб, ҳўлу қуруқ баравар ёниб кетди. Элнинг сал олдида юрганларни-ку, қўяверинг. Озгина илми-ҳунари борлар ҳам рўйхатга илиниб қолса, тамом...

1923 йил. Хайроблоднинг Олмачи қишлоғидан тўрт-беш нафар йигит олти ойлик кечки курсни тугатиб келишди. Уларнинг бири Райимбой эди. Ана шу ўқиб келганлар ташкилий ишларга бошқош бўлиб, яхши-ёмон кунда одамларга қайишиб, йўл кўрсатиб туришарди. 1933 йили эди-ёв. Янги ташкил этилган "Биринчи май" жамоа хўжалигига одамлар ҳеч иккиланмай Райимқулни раис қилиб сайлашди.

Балки хайроблоднклар бу ҳудудда қачон қишлоқ кенгаши тузилганини билишмас, лекин ёшуқари ўша 1933 йилги колхоз ташкил бўлган санани жуда яхши эслашади.

— Биз калхўздан фақат барака кўрганмиз, — дея эслашади қишлоқ кексалари. — Райимқул Қосимов раис сифатида Хайробод аҳолисининг аввало кам азият чекишини ўйлади. Оилалар ўз тақдирларини ишониб хўжаликка ариза билан кела бошладилар. Барака зўр эди бу ерда...

Шу боис ҳам кейинчалик одамларнинг талаби билан хўжалик кенгайтирилди. Хайрли ишнинг умри узоқ бўларкан. Ўша оғир йилларда бошланган анъаналар, ўзаро муносабат, меҳнатга, одамларга бўлган меҳр, тўю маъракалардаги аҳиллик... Буларнинг бари неча юзлаб кишиларнинг ҳаётга бўлган муҳаббатини оширган, ундан ўзгача бир маъни ахтаришга замин бўлган дейиш мумкин.

Райимқул бобо, мана ўн йилдирки, орамизда йўқ. Ҳамон унинг руҳи кезиб юрибди. Олмачиликлар учун ўша-ўша "Раис бобо"лари ҳали тирик. Қолаверса, ота хонадонида ҳамиша чироқ ёниқ. Зеро, бугун унинг фарзандлари, набира ва эваралари ҳам элнинг кўзида. Улар шундай инсонга авлод бўлишганидан ғурурланишади.

Ҳусан ЭРМУҲАММАД.

Спорт

ХОТИРА СОВРИНИ

Фарғонада милиция генерал-майори Комилжон Ғофуров хотирасига бағишланган республика футбол мусобақаси ўтказилди. Бир неча кун давом этган қизғин баҳсда бош соврин фарғоналик футболчиларга насиб этди. Наманганда эса теннис бўйича уруш қаҳрамони Соли Адашев хотирасига бағишланган анъанавий мусобақа бўлиб ўтди. Еттинчи марта уюштирилган бу мусобақада тошкентлик О. Тимофеева билан У. Раҳматуллаев совринли ўринни эгаллашди.

ТУРОНЗАМИН ЎЙИНЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Келаси йили Тошкентда ўтказиладиган Марказий Осиё ўйинларига ҳозирлик кўрилмоқда. Бу борада Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитаси билан Олмониянинг "Штрабаг" фирмаси ўртасида тузилган ўзаро ҳамкорликка умид боғланмоқда. Келишув ҳужжатини республика Спорт қўмитаси раиси С. Рўзиев билан фирма раҳбари Зигфрид Поль имзолашди. Унга мувофиқ фирма спорт иншоотларимизни таъмирлаб, жаҳон талабларига мослайди, янги ускуна ва жиҳозлар билан таъминлайди, спортчиларга кийим-кечаклар етказиб беради.

ҒОЛИБЛАРГА МУКОФОТЛАР

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашида Хиросимада ўтказилган Осиё ўйинлари ғолиблари шарафланди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси Ҳ. Жамолов Осиё ўйинлари чемпионларидан И. Киреев, А. Колганов, О. Яригина ва бошқаларни табриклаб, уларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширди.

ШАРШАРА. Б. Тўраев (ЎзА) сурат-этюди.

Дил изҳори

МАЪРИФАТ ФИДОЙИСИ

Ўзбек педагогикаси фанининг ривожланишига ўзининг самарали ҳиссасини қўшиб келаётган педагог-олимлардан бири Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти умумий педагогика кафедрасининг мудири, профессор Комилжон Ҳошимовдир. Унинг изланишлари, тадқиқотларидан тортиб, йирик монография, дарсликларигача, шогирдлар танлаши ва тарбиялашигача барча-барчаси педагогика фанини тараққий қилдиришга қаратилади.

У дастлаб фаолиятини оддий ўқитувчиликдан бошлади. Қирқ еттинчи йили мактабни битириши биланоқ бошланғич синфларда мураббийлик қилди. Кўп ўтмай Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг педагогика факультетига кирди.

Эллик тўртинчи йили у институтни имтиёзли диплом билан тугатгач, илмий кенгаш ва педагогика кафедраси ундаги илм-фанга бўлган қизиқишни ҳисобга олиб кафедрада қолдиришга қарор қилди. К. Ҳошимов педагоглик фаолияти билан бир қаторда илмий фаолиятни қўшиб олиб борди. Ёш ўқитувчининг тиришқоқлиги, ҳаракатчанлиги жамоа эътиборини тезда ўзига тортди. Йилдан—йилга унинг тажриба ва маҳорати ошиб борди. Дастлаб ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, профессор унвонларини олди. Қарийб қирқ йилдирки таълабаларга педагогика фани бўйича қизиқарли маърузалар, махсус курслар ўқиб келмоқда.

К. Ҳошимов қаерда ва қандай лавозимда ишламасин ўзининг инсонийлиги, ишчанлиги, ўз касби ва вазифасига бўлган ихлоси, масъулиятни чуқур ҳис қилиши билан ажралиб туради. Шу боис ҳам устоз мураббий ҳаммаларнинг ҳурмат ва эътиборига сазовор бўлиб келмоқда. Комилжон ака дастлаб бошланғич таълим методикаси факультетида декан, саксонинчи йилларда институтимиз қошидаги мактаб раҳбарлари малакасини ошириш факультети декани, кейинроқ мазкур факультетдаги халқ маорифини илмий асосда бошқариш кафедраси мудири вазифаларида ишлади. Ҳозирги кунда эса умумий педагогика кафедрасига раҳбарлик қилмоқда.

Домланинг педагогик фаолияти, муттасил изланишлари ҳамда илмий салоҳияти ёшларимизга ибрат бўлғусидир. Унинг 150 га яқин илмий-методик ишлари бунга яққол мисол бўла олади. У қатор монография, дарслик, қўлланма ва методик тавсиялар, рисола, ўндан ортиқ дастур, юздан зиёд илмий мақолалар муаллифи. Педагогика фани бўйича олиб борган тадқиқотлари ўзбек педагогика илмининг ривожланишига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Ўзбек педагогика фани бўйича диссертация ҳимоя қилган фан номзодлари ва фан докторларининг кўпчилиги К. Ҳошимовнинг кўмаги ва йўл-йўриқларидан баҳраманд бўлганлар. Унинг бевосита раҳбарлигида ўттиздан зиёд фан номзодлари ўз диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ҳозир бир неча аспирант ва тадқиқотчилар унинг раҳбарлигида педагогика фанининг долзарб муаммолари юзасидан изланишлар олиб бормоқда.

Низомиддин МАҲМУДОВ,
Халқаро Қошғарий мукофоти совриндори, филология фанлари доктори, профессор.
Раҳмонали ҲАСАНОВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти умумий педагогика кафедраси катта ўқитувчиси.

Ие, йўғ-е, наҳотки?!

МАЖЛИСДА ЙЎҚҚА — МАОШ ЙЎҚ

ЭКВАДОРДА янгича қонун кучга кирганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Эндиликда фақат парламент йиғинларида қатнашган депутатларгагина маош тўланмоқда. Бу усулни парламент раиси Э. Бонилья жорий этган.

Унинг таклифи бўйича касаллиги сабабли йиғинда қатнашолмаган депутатларнигина кечириш мумкин, ўшанда ҳам тиббиёт мутахассиси ёзиб берган маълумотномага асосланиб. Бошқа турдаги "узрли" сабаблар эса умуман инобатга олинмайди.

ХИЁНАТКОРЛАР УЧУН ЖАЗО ҚАФАСИ

СЛОВАКИЯНИНГ шарқида жойлашган Левач шаҳри марказида "уялтириш" қафаси мавжуд бўлиб, у темир панжарадан ясалган. Қафаса XV асрда асос солинган. Ўша пайтларда харидор ҳақига хиёнат қилган савдогарлар шу қафасга қамаб қўйилган ва бир неча кун "уялтирилган".

Яхшиям, бундай қафаслар эндиликда ишлатилмаяпти, акс ҳолда...

ШАПАЛОҚ УЧУН ИККИ ЙИЛ

ПОРТУГАЛИЯ олий суди бир жиноий ишга ҳукм чиқаргач, жазо чораларини қайта кўриб чиқишга қарор қилди ва тезда амалга жорий этганига анча бўлиб қолди. Эндиликда кимки бировни қафти билан бир шапалоқ урса, жиноятчи ҳисобланади ва икки йил муддатга озодликдан маҳрум этилади ёки унга катта миқдорда жарима солинади.

КАМБАҒАЛЛАР УЧУН

АҚШДАГИ муҳтожларга ёрдам кўрсатиш ташкилотлари доимий фаолият кўрсатувчи қабул пунктлари ташкил этишган. У одамлардан эскитуски кийим-кечаклар қабул қилади ва улар камбағалларга тарқатилади. Эски кийим топширганларга эса эвазига пул олиш ҳуқуқини берадиган (албатта, катта миқдорда эмас) қоғоз берилади. Улар бу пулга яна енидан қўшиб, махсус дўкондан янги кийим сотиб олишлари мумкин.

КЎЧАДА ЮРИШ МАН ҚИЛИНАДИ

АМЕРИКАНИНГ Питсфилд шаҳрида ҳар куни роппа-роса соат 21.00 да ҳаммасини кучли сирена овози тутиб кетади. Ана шу сигналдан сўнг кўчага полициянинг кучайтирилган наряди чиқади ва ўн етти ёшгача бўлган шаҳарликларни ушлай бошлайди.

Шаҳар маъмурияти ёшлар ўртасида кенг тарқалаётган гиёҳвандликнинг олдини олиш мақсадида ана шундай қилишга мажбур бўлди. Ўсмирлар кечки пайтларда фақат ота-оналари билан биргаликдагина кўчага чиқишлари мумкин. Худди шундай "комендантлик соати" Детройт, Филадельфия ва Чикагода ҳам жорий қилинган.

КИТОБ ҚАЙТАРИЛМАСА — ҚАМОҚҚА

КАНАДАНИНГ Гатина шаҳрида китоб ўғрилари учун энг оғир қонун мавжуд. Агарда бирор киши кутубхонадан китоб олиб, ўз вақтида қайтариб келтирмаса, катта жарима тўлайди. Шундан кейин ҳам китоб кутубхонага олиб келинмаса, у ҳолда "ўғри" икки ойга озодликдан маҳрум этилади.

ТОИФАДАГИ ИЧИМЛИКЛАР

ТАНЗАНИЯДА спиртли ичимликлар тўрт тоифадаги карточка билан сотилади. "А" тоифадаги карточка билан барча турдаги спиртли ичимликларни хоҳлаган миқдорда сотиб олиш мумкин. "В" карточкаси билан кучли спиртли ичимликлар маълум миқдорда сотилса, "С" тоифадагиси билан истаганча пиво харид қилиш мумкин. "Д" карточкаси бўлган кишиларга эса белгиланган миқдорда пиво сотилади. Мабодо бирор киши карточкасини "юқори" тоифадагисига алмаштирмоқчи бўлса, унинг оилавий аҳволи, даромади, қарзи бор-йўқлиги, энг асосийси – спиртли ичимлик истеъмол қилгандан кейин ўзини қандай тутиши ҳисобга олинади.

"ЮМШОҚ" УСУЛ

ТАРИХДАН маълумки, "норасмий" оммавий намойишларни тарқатиш учун хорижда полиция турли қуроллардан фойдаланади. Чунончи, таёқча (дубинка), автомат, кўздан ёш оқизувчи газ, ҳарбий машиналар ишга солинади. Бироқ Мадагаскарда бўлган оммавий намойишни тарқатиш учун полиция "юмшоқ" усулни қўллаган. Унда барча полициячилар чўзма (рогатка) билан қуролланган эди. Оддий тошлар эса ўқ ўрнида ишлатилган.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодиёт институти жамоаси катта илмий ходим Маҳфуза Утебоевага отаси

МАҲКАМБОЙ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 32-53-15.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.
Реклама ва эълонлар бўлими — 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Жиззахда — 3-31-86; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 35-22-90;
Бухорода — 3-54-87; Навоийда — 3-74-76; Қаршида — 3-25-79; Урганчда — 6-51-35;
Гулистонда — 2-26-22; Наманганда — 6-43-43; Қумқўрғонда — 52-624; Фарғонада — 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А – 2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.30. Г – 1228, 72841 нусхада босилди.

Навбатчилар: Н. ШАКАРОВ, Ҳ. ЭРМАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41 - уй.

123456.